

СИНОВЛИ ЙИЛНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармонларига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

28 декабрь куни Кўксаройда мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари мукофотланганларни табриклаб, уларга ўзининг юксак эҳтиромини билдирди.

– Биз кейинги йилларда яхши анъанани йўлга қўйиб, юртошларимизга мукофотларни байрам кунинда топшириб келаётган эдик. Афсуски, бу йилги пандемия шароитида одамларимизнинг соғлиғини асраш учун ушбу хайрли тадбирни бироз кейинга суришга тўғри келди. Эзгуликнинг кечи йўқ, дейдилар. Насиб этган экан, мана бугун сизлар билан Янги йил байрами арафасида юзма-юз кўришиб, дийдорлашиб турибмиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳаётда хурсандчилик билан турли синов ва қийинчиликлар ёнма-ён юради. Бу йил корона вирус пандемияси бутун инсоният бошига катта таъшишлар солди. Халқимиз бу касалликка қарши курашиш билан бирга бошқа синовларга ҳам дуч келди. Бухоро ва Сирдарё вилоятларида қутилмаган офатлар рўй берди.

– Эл-юртимиз бу муаммолар қаршисида саросимага тушиб қолгани йўқ. Аксинча, қийинчиликлар бизни янада бирлаштирди, бир-биримизга меҳримиз ортди. Мураккаб вазиятга қарамасдан, кўпни кўрган, азму шижоатли халқимизнинг фидокорона меҳнати билан бу синовларни мардона энгиб ўттирди. Барака ҳамжиҳатликда, деган гап ҳаётимизда яна бир бор ўз тасдиғини топди. Пандемия ва глобал инқироз оқибатларини камайтириш бўйича кўраётган чора-тадбирларимиз ўз самарасини беряпти, – деди Президент.

Аҳоли соғлиғини асраш, иқтисодийётни ривожлантириш ва бунёдкорлик ишлари жадал давом этаётгани таъкидланди. Оқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари барпо этилмоқда. Биргина шу ойда Тошкент металлургия заводи, янги метро йўналиши ишга туширил-

ди. Жорий йилда пойтахтимизда Болалар миллий тиббиёт маркази, Галаба боғи, Адиблар хиббони бунёд этилди. Барча вилоят ва туманларда замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, янги-янги боғчалар, мактаблар, маданият ва санъат ҳамда спорт масканлари қад ростламоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилмоқда. Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси тобора обод бўлиб бормоқда. Миришкор деҳқон ва фермерларимиз пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар.

– Биз бугунги натижаларга эришиш учун пандемия шароитида – фоят мураккаб бир вазиятда иш олиб бордик, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бунинг учун 2-3 қарра кўпроқ меҳнат қилишга, изланиш, янги имконият ва ресурсларни қидириб топишга тўғри келди. Аввало, фидойи шифокорларимиз ўз жонини гаровга қўйиб, халқимиз соғлиғини асраш учун беқиёс жасорат ва матонат кўрсатдилар. Бу борада Қуролли Кучлар, Миллий гвардия, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирилик мард ва жасур ходимларининг хизматларини алоҳида қадрлаймиз. Айни вақтда, бунёдкор курувчилар, саховатли тадбиркорлар, маҳалла фаоллари, муҳтарам нурунийларимиз, навқирон ёшларимиз, илм-фан, маданият ва спорт соҳаси вакиллари эл-юртимизга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиб майдонга чиқдилар. Ҳар қандай синовни бирдамлик билан энгиб ўтадиган халқимиз мана шундай оғир кунларда қудратли кучга айланди. Фурсатдан фойдаланиб, сабр-матонатли, заҳматкаш, олижаноб ва фидойи халқимизга, унинг буюк қаҳрамонлиги учун яна бир бор бош эгиб, таъзим қиламан.

– Дунёда инсон ўзини қачон бахтли деб билади? Буюклик нимада? Элга ҳалол, пок меҳнат қилиб, натижаси мана шундай муко-

фот бўлганда. Бу ерда ўтирганлар бугунги куннинг қаҳрамонлари, мардона халқимизнинг буюк вакиллари, – дея таъкидлади Президент.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, юртошларимизнинг фидокорона хизматларини муносиб эътироф этиш мақсадида бу йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони, «Олий Даражали Дўстлик», биринчи ва иккинчи даражали «Саломатлик» ҳамда «Фахрий мураббий» орденлари, «Соғлом турмуш» медали каби янги давлат мукофотлари таъсис этилди.

Бундан ташқари, «Меҳр-саховат» кўрак нишони жорий қилиниб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшган қарийб 25 минг ватандошимиз ушбу мукофот билан тақдирланди.

Айни кунларда жойларда юзлаб ҳамюртларимизга ана шу фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбари мукофотланган барча ватандошларимизга йўлланган номидан табрик йўлади.

Шундан сўнг мукофотлар тантанали равишда топширилди. Мазлумки, Ўқитувчи ва мураббийлар байрами арафасида жадидчилик ҳаракати намояндалари – Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди.

Маросим аввалида ана шу мукофотлар маърифатпарвар бобларимизнинг невараларига топширилди. Бундай эҳтиром улғу аждодларимизнинг ўлмас мероси бугунги кунда ҳам қадрли эканидан, халқимизга беқиёс маънавий куч бағишлаб келаётганидан далолат беради. Айни вақтда, эл-юртимизнинг миллий уйғониш ва тараққиётга интилиши барқарор эканини намоян этади.

(Давоми 2-бетда)



ХАЛҚИМИЗ ҲАМЖИҲАТЛИҚДА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

Бу йилги пандемия келтирган қийин вазиятда ҳам мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари асло тўхтаб қолмади. Халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, узоғини яқин қилишга қаратилган улкан лойиҳалар бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.



Жорий йил Мустақиллик байрами арафасида Тошкент ер усти метросининг биринчи босқичи битказилган эди. Бугунги шукҳули кунларда унинг яна бир муҳим бўғини – Сергели йўналиши ишга туширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни ушбу транспорт объектини бориб кўрди. Шу ерда давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан дилдан мулоқот бўлди.

– Бу йил иқтисодийёт учун, одамларимиз учун қийинчиликлар кўп бўлди, ҳозир ҳам давом этапти. Лекин шу мураккаб ҳолатларни иложи борида юмшатиш бўйича ҳар кун баъзилар ишлаяпмиз. Иқтисодийётни ривожлантириш, бозор топиш, одамларга даромад манбаи яратиш йўллари излаяпмиз. Ҳамма масалалар маҳаллабай ҳал қилинади. Нимага? Яхшимиз ҳам, ёмонимиз ҳам маҳаллада, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, энергия қувватларини кўпайтириш бўйича қўрилаётган чоралар айтиб ўтилди.

– Оммавий ахборот воситаларига раҳмат. Улар давлатимизга душман эмас, дўст. Улар баланд овозда адолатни, ҳақиқатни айтиб турмаса, раҳбарларнинг дарров оёғи ердан узилиб қолади. Халқимиз, уйингга эски тўнингни олиб қўйиб, кимлигини унутма, деганидек, ҳамма раҳбарлар шу элнинг фарзанди, вақили эканини доим ёдда тутиши керак. Юртимиздаги тинчликнинг қадрига етиб, халқимизга муносиб шароит яратишимиз зарур, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга поездда юриб, йўловчилар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

(Давоми 2-бетда)



СИНОВЛИ ЙИЛНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, тиббиёт, иқтисодиёт, фан, таълим, адабиёт ва бошқа соҳалар номандалари, давлат ва жамоат ишлари фаоллари мукофотлар топширилди. Самарали фаолияти, ватанпарварлиги ва ташаббускорлиги билан ёшларга ибрат бўлаётгани учун Президент уларга миннатдорлик билдириб, эзгу тилаklarини изҳор этди.

– Ҳаммамиз бугун яхши ораулар ва улғу мақсадлар билан, янги йил остонасида турибмиз. Биз барчамиз аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, халқимизга садоқат билан меҳнат қилиб, янги Ўзбекистон пойдеворини яратаятганимиз билан фахрланамиз. Дунёмиз тинч бўлсин, бағрикенг ва олижаноб халқимизни, жонажон Ватанимизни Оллоҳ таоло ҳамisha ўз паҳолида асрасин, – дея сўзини якунлади Президент.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

– Ҳозиргина тарихий воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бир гуруҳ маърифатпарвар аждодларимиз қатори атоқли мураббий, буюк инсон Мунавварқори Абдурашид-хонова берилган юксак мукофоти Президентимиздан қабул қилиб олдим, – дейди адибнинг невараси Шоамин Миноваров. – Ушбу ордени жаҳоннинг фидокорона меҳнатига берилган мукофотдир. Давлатимиз раҳбари агар жадид боболаримиз қатағонга учрамаганида ҳозир учинчи эмас, тўртинчи Ренессанс пойдеворини қураётган бўларди, деб таъкидлади. Ҳақиқатан, уларнинг хизматларига бундан ортиқ баҳо бериб бўлмайди. Бу инсонлар том маънодаги

зиёлилар эди. Илм, маърифатнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини англаган ҳолда, мамлакатимизда сўнгги тўрт йилда соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Албатта, ўтган аждодларимизни хотирлаш ҳам савоб, ҳам тарбиявий иш. Уларга муносиб бўлиш, ёшларимизни буюк боболаримиздек фидойи инсонлар эътиборига олиб олиш биз авлодларнинг зиммасидир бурчдир.

– Янги Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган одамларни рози қилиш концепцияси ҳаётимиз мезонига айланди, – дейди Самарқанд давлат университети профессори, филология фанлари доктори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Муслиҳиддин Муҳиддинов. – Халқ билан мулоқот демократик жараёнларнинг ривожланиши, одамлар онгу шуурга ўрнашиши, жамиятнинг ҳаракатга келишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда Алишер Навоийнинг «Ода» мисоли эрсанг демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами» байтидаги ғоялар ҳаётимизда устувор. Буюк шоир таваллуднинг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарор, Самарқанд давлат университетини Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг вориси, деб ҳисоблашга қаратилган саъй-ҳаракатлар барча зиёлилар қатори менинг кўксимда ҳам фахр-ифтихор ҳисларини жўш урдирди.

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари юрагимизда фахр-ифтихор уйғотади, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Элиқалъа тумани маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш бўлими фахрий аъзоси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Амин Тожиёв. – Мўйноқ харитада де-

ярли йўқолиш арафасига келиб қолган эди. Бугун туман бутунлай янги қиёфага кирди. Аэропорт тикланиб, «Боинг», «Аэробус» русумли самолётлар кела бошлади. Оролнинг қуриган ҳудудига минглаб гектар дарахтзорлар барпо этилди. Бу ишларда бутун Ўзбекистон аҳли қатнашди. Бошқача айтганда, Ажиниёз, Бердақ боболаримиз, Ибройим Юсупов, Тўлепбергачи Қайипбергенов орау қилган замон келди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қодир бўлган замонвий армияни ташкил этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Куроли Кучлари ҳарбий округ кўшинлари кўмондони, I даражали «Шон-шараф» ордени соҳиби Ойбек Саидов. – Кўшинларнинг жанговар тайёргарлиги оширилди, вилоят ҳокимликлари ҳузурида ҳарбий-маъмурий секторлар тузилди. Бу Ватан ҳимоячиларининг доимий шай ҳолатда туришида улкан аҳамият касб этяпти. Бундай эътибор самарасида жорий йилда округимиздан 54 ҳарбий хизматчи халқро турнирларда иштирок этиб, 30 нафари медалларга сазовор бўлди. Мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар белини маҳкам боғлаб, маррани баланд олишга ундаяпти. Уйлайманки, бугун мукофот олганлардан руҳланиб, янги ер соҳада фидойиллик билан меҳнат қилиб, Ватанимизнинг обрўси ва шон-шухратини янада юксалтиришга аҳд қилганлар сафи янада кенгайди.

Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.

ЎзА.

МУНОСАБАТ

Мамлакатимизда биринчи бор ўтказилган ёшлар форуми Ўзбекистон ёшларининг чинакам байрамига айланди.

Ҳар бир эътирофнинг ўз юки, масъулияти бор

Анжуманда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, ёшларга мурожаат йўллагани нафақат пойтахтимиздаги «Хумо Арена» мажмуида ҳам бўлган йигит-қизлар, балки форумни республикамизнинг барча вилоятларида онлайн кузатиб турган 30 мингдан зиёд фаол ва иқтидорли ёшлар учун ҳаяжонли ва қувонарли лаҳзаларни тўхта қилди.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзини «Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашимизга сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кутарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сизларнинг қилиш ораси билан ёни яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман», деган юксак меҳрга тўла сўзлар билан бошлаганини ўзиёқ қалбларимизга улкан шукў бахш этди. Ўртбосимиз юксак минбардан туриб «Ўзбекистоннинг Янги Ренессансини сизлар яратасизлар», дея ишонч билан бизга юзландилар.

Президентимиз ўз мурожаатларида ёшларнинг таълими, тадбиркорлик, маданият, санъат, ижод ва спорт соҳаларидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашдан тортиб, намунали ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, изланувчан йигит-қизларни рағбатлантириш, китобхон авлодни тарбиялашга бўлган барча муҳим вазифаларни амалга оширишининг тизимли йўлларини кўрсатиб берганлари, барча-барчаси – ёшлар тақдирига чинакам ғамхўрликнинг муносиб ифодаси бўлди. Давлат мукофоти совриндори бўлган йигит-қизлар, чемпион ёшларни мамлакатимизнинг чинакам бойлиги, дея таъкидлаганлари бизни ушбу эътирофга янада муносиб бўлишга руҳлантирди. Қолаверса, фаол ва ташаббускор ёшларнинг энг олдинги сафларида бўлишга ундади.

Фаргона вилояти студияси орқали давлатимиз раҳбарига дадил нигоҳлар билан сўзлаётган тенгдошларимнинг ёник, чиқишларини кузатар эканман, Президентимиз таъбири билан айтганда, Ватанимиз ҳаётининг ҳал қилувчи кучи, Янги Ренессанс бунёдкорлари бўлган янги авлод камолга етаётганига ишончин ортди. Ўзим ҳам ана шу авлод сафига эканлигимдан фахрландим, ижодда, касбий фаолиятимда янги мақсадлар сари куч олдим. Ўз навбатида, форум орқали бизга қаратилган ҳар бир эътироф ва ишончининг ўз юки, масъулияти борлигини ҳар онда унутмаслик аҳди қалбимда уйғок турибди.

Дилназов ҚҮЛДОШЕВА,
Зулфия номидagi
Давлат мукофоти совриндори.



ХАЛҚИМИЗ ҲАМЖИҲАТЛИҚДА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу йўналишда кунига 35 минггача одам қатнаши мумкин. Шу боис у ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам экологик жиҳатдан улкан аҳамиятга эга. Масалан, Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи автомобиль йўли аксар ҳолларда тирбанд бўлади. Оқибатда ёқилғи сарфи ортиб, атмосферага катта миқдорда зарарли газлар чиқади. Одамлар манзилига кечикиб, асабийлашади. Янги ер усти метроси эса аҳолига жуда катта қулайлик яратди.

Охири бекатда ушбу Сергели йўналишини Қўйлик йўналиши билан боғлаш, ер усти метросининг кейинги босқичларини қуриш бўйича тақдимот ўтказилди.

– Илгари Сергелига метро келишини биров тасаввур қилганми?! Мана, энди халқимизга катта қулайлик пайдо бўлди. Яна бир томони, бу экологик тоза транспорт. Кейинги метро йўлларини ҳам аҳолига маъқул, қулай, хавфсиз, сифатли қилиб қуриш, хориз тажрибасини ўрганиш керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Умумий қиймати 82,66 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳа «Бостранслэйиҳа» акциядор-

шимга тўғри келади. Баъзида ноқулай об-ҳаво ҳукм сурса, ҳаракатланиш янада қийинлашади. Натжида ҳар куни 2-3 соат вақтим йўлга сарф бўлаяпти.

Албатта, Сергели ва Янги ҳаёт туманларида ҳам аҳоли сони кун сайн ортиб бормоқда. Шу боис шаҳар маркази билан боғланган автомобиль йўлларида кун сайн тирбандлик ортиб борапти. Ушбу туманлар аҳолисини қулай ва хавфсиз транспорт тизими билан таъминлашни эса даврнинг ўзи тақозо этаётган эди.

Ҳисоб-китобларга кўра, Сергели янги метро йўналишининг 5-бекатидан йўлга чиққан йўловчи «Буюк ипак йўли» бекатига ўртача 30-40 дақиқада етиб бориши мумкин. Бунинг учун метро поезди 16 та бекатни босиб ўтади. Бошқа транспортда эса тирбандлик пайтида бир соатдан кўп вақт кетади.

Яна бир қулайлик жиҳати Сергели йўналишида ҳаракатланган поезд Чилонзор йўналишининг «Олмазор» бекати орқали «Пахтакор» бекатидан Ўзбекистон йўналишининг «Алишер Навоий», «Амир Темур хибони» бекатидан эса Юнусов йўналишининг «Юнус Ражабий» бекати билан боғланади. Натжида ушбу йўналиш Тошкент метрополитенининг барча йўналишлари билан боғланиб, йўловчиларга шахримизнинг истаган ҳудудига етиб бора олишига имкон яратди.



лик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланган. Мавжуд бекатларнинг кириш ва чиқиш ҳудудлари ўзига хос ранг-баранг меъморчилик асосида барпо этилган. Айниқса, перрон қисмига ишлатилган қурилиш маҳсулотлари кўриниши, ранги ва тури бўйича бир-бирини тақдорламайди. Йўловчилар учун ҳам катта қулайликлар яратилган. Хусусан, имкониёти чекланганлар учун бекатлар платформасида хавфсиз тактил плиткалар ётқизирилган. Йўловчиларнинг платформаларга кўтарилиши учун замонавий лифт ва эскалатор, хавфсизликни таъминлаш мақсадида эса бекатларга замонавий видеокузатув ускуналари, IT русуддлари турникетлар ҳамда электор энергиясини тежайдиган ёритиш чироқлари ўрнатилган. Шунингдек, мобил алоқа ускуналари учун қувватлагичлар ҳам бор. Ҳар бир бекат 12 тагача хоризда ишлаб чиқарилган замонавий иситиш ва совутишга мўлжалланган кондиционерлар билан жиҳозланган.

Мутахассислар фикрича, бугунги кунда шахримиз жамоат транспортдан бор-йўғи 33 фоз йўловчи фойдаланмоқда. Ривожланган мамлакатлар пойтахтида эса бу кўрсаткич 60-70 фозини ташкил этади. Пойтахтимизда аҳоли ҳам, транспорт воситалари ҳам кун сайн кўпайиб бормоқда. Охириги 10 йилда шаҳарда автомобиллар сони 250 мингдан 510 мингга, яъни 2 бараварга ошган. Шунга мос равишда жорий йил фойдаланишга топширилган Тошкент метрополитенининг Юнусов йўналишида 2 та бекат ҳамда ер усти халқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилгани натижасида жамоат транспортда 56 та йўналиш мақбуллаштирилиб, 170 минг аҳолининг транспорт хизмати янада яхшиланди, уларнинг транспортга кетадиган вақти ҳам ўртача 15-20 дақиқага қисқарди.

Янги очилган Сергели ер усти метроси Сергели ва Янги ҳаёт туманларида истиқомат қилаётган аҳоли учун жуда катта қулайлик бўлади. Мазкур туманларда транспорт инфратузилмасини янада яхшилашга имкон яратилади.

– Болалигим Сергели туманида ўтган. Ҳозир ҳам ушбу тумандаги кўп қаватли уйларнинг бирида, яъни Сергели метросининг 2-3-бекатлари оралигида истиқомат қиламан, – дейди Дилафруз Қорабоева. – Энди шаҳар марказидаги иш жойимга шахсий машинада эмас, метрода қатнайман. Чунки ҳар куни эрталаб соат 07.00 дан 09.30 гача, кечга яқин эса соат 16.00 дан 20.00 гача автомобиль йўллари жуда тирбанд бўлади. Айни шу вақтда ишга бориб-кели-

Пойтахтимизда аҳоли зич яшайдиган Қорақамиш, Ибн Сино, Тошкент трактор заводи мавзеларида жамоат транспорт тизимини яхшилаш, автобус йўналишларини мувофиқлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Ер усти метроси тағидаги спорт майдончаси ҳам кўздан кечирилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Сергели тумани Қипчоқ кўчасида қурилган кўприкни бориб кўрди.

Мазкур кўча «Тошкент-Ангрен» темир йўли билан кесишган. Бунинг устига тор бўлиб, автомобиллар ҳаракатига қийинчилик туғдирадди. Шу боис Қипчоқ кўчаси 8 қаторли қилиб кенгайтирилиб, темир йўл устидан ўтувчи 772 метрлик кўприк барпо этилди. Унинг эстакада қисми 445, эни – 28 метр.

Давлатимиз раҳбари объектнинг сифати, шаҳарда транспорт тизимини яхшилашдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

Ушбу кўприк соатида 12 минггача автотранспорт воситаларини ўзқисиз ўтказиш имкониётига эга. Энг муҳими, у пойтахтимиздаги иккита йирик кўча – Янги Сергели айланма йўли билан Тошкент халқа йўлини боғлайди. Бу ҳайдовчилар учун анча қулайлик яратди, минглаб транспорт воситалари оқимини ўзига олиб, бошқа кўчалардаги тирбандликни камайтиради.

– Пандемия бошланганда биз ундан кучли, қудратли бўлиб чиқамиз деб мақсад қўйган эдик, – деди Шавкат Мирзиёев тошкентлик фаоллар билан суҳбатда. – Ҳаммамиз кўрпимиз дунёда нималар бўлаётганини. Бошқа мамлакатларда қурилишлар тўхтаб қолган ҳолатлар ҳам бўлди. Халқимиз тартиб-интизом, бирдамлик билан барча режаларини рўйбга чиқармоқда. Биз ҳамжиҳатликда кўп нарсаларга қодирмиз.

Президентимиз жорий йил 4 июнь куни Тошкент шаҳрининг Чўпонота кўчаси ва Кичик халқа йўли кесишмасида қуриладиган кўприк лойиҳаси билан танишган эди. Келгусида янги йўл барпо этилиб, Қипчоқ кўчасидаги мазкур кўприкка туташади.

Шу ерда Туркиянинг «Kalyon» компанияси билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги автомобиль йўлларини реконструкция қилиш, транспорт ва йўловчилар ҳаракати учун қулайликларини ошириш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Президентимизнинг ҳар бир таклифи биз учун дастуриламалдир

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 31 фозини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Улар юрт келажаги, дея эътироф этилади. Юртимизда эса ёшларнинг бахтли яшashi, таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароит ва имкониётлар яратиб берилмоқда. Ана шундай ёшлар сафига мен ҳам борлигимдан бахтиёрман.

Куни кеча Президентимиз пойтахтимиз марказидаги «Хумо» аренада ёшлар вакиллари билан учрашди. Унда Юртбосимиз ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлигини ошириш борасида барча имкониётлар ишга солинаётганини, бундан кейин ҳам уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юрт тақдирини ўз тақдирини, деб биладиган, ўз олдига қўйган мақсадида интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилишини яна бир бор таъкидлади.

Бу ишонч ва эътибор барча ёшлар сингари мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Албатта, бугун ишламан, ўз тадбиркорлигимни йўлга қўяман ва янги иш ўринлари яратаман, деган ёшларга ҳамма эшиклар очик. Мен ҳам 2014 йилда «Абдуқодир Орузси» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этган эдим. Корхонамиз хоржий мамлакатлар билан экспорт-импорт йўналишида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Қисқа муддатда мамлакатимизнинг миллий маҳсулотларини дунёнинг 15 дан ортиқ давлатларига экспорт қилиб, жаҳон бозорига ўз ўрнини топди.

«Абдуқодир Орузси» МЧЖ томонидан 2017 йилдан шу кунга қадар Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Эрон, Покистон, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозғоғистон, Туркманистон Республикалари ўртасида тузилган шартномалар асосида 2 миллион АҚШ долларига яқин қишлоқ ҳўжалиги ва саноат маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, республикамизнинг экспорт режа кўрсаткичлари бажарилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Айни пайтда корхонамиз томонидан олтингурутни қайта ишлаб, унинг кукунини экспорт қилиш ва бу орқали маҳсулотнинг таннархини 5-6 баробарга ошириш ҳамда экспорт ҳажминини янада кўпайтириш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Инсон истаса сахрони бўстонга айлантиради. Одамзотнинг қадри ҳам, жамиятдаги мавқеи ҳам эзгуликка йўғрилган ана шу фаолияти, саъй-ҳаракати билан белгиланади. Ҳар бир бунёдкорлик ишлари замирида эса аҳоли учун муносиб шарт-шароитлар яратиш ва бу орқали давлатимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлаш ғояси мужассам.

Ёшлар билан учрашувда Юртбосимиз томонидан «Ёшлар: «1+1» дастури доирасида ишчи ва уюшмаган ёшларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитишни ҳамда «Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор» тамойили асосида 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшни бириктириш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

– Бугун ўғил-қизларимизни қийнаётган жиддий муаммолардан бири – ўқишни тамомлаган ёшлар бандлиги, – дея таъкидлади Президентимиз. – Кўплаб мактаб ва коллеж битирувчилари, баъзан олий маълумотли йигит-қизлар ҳам, иш топшида қийинчиликка учрамоқда.

Мен айни пайтда Кармана туманининг чўл ҳудуди ҳисобланган «Маликработ» кўрғонига ажратилган 5 гектар ер майдонида 7-8 турдаги мевали дарахт кўчатларини ўтказиш устида иш олиб бормоқдам. Натжида 10 дан зиёд иш ўрни яратилади. Бу эса 10 нафардан зиёд тенгдошим иш билан таъминланади, деганидир.

Мен ҳам ёш тадбиркор, халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутаты, Ёшлар парламенти аъзоси сифатида Президентимизнинг ёшлар масаласида билдирган ҳар бир таклиф ва мурожаатини ўзимга дастуриламал билиб, бугундан уларнинг ижросини таъминлашни мақсад қилиб олдим ва шу эзгу ният йўлида ҳаракат қиламан.

Сардор ҒАФФОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламенти аъзоси.



DURABLE
GROUP

2021

«DURABLE GROUP» КОРХОНАСИ БАРЧАНИ ЯНГИ – 2021 ЙИЛ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

КОРХОНА БАРЧАГА ОИЛАВИЙ БАХТ, КАСБИЙ МУВАФФАҚИЯТ ВА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙДИ. ЯНГИ ЙИЛДА СИЗГА ОМАД, БАРҚАРОРЛИК ВА МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ДОИМО ҲАМРОҲЛИК ҚИЛИБ, БАРЧА ЭЗГУ НИЯТЛАРИНГИЗ АМАЛГА ОШИШНИ ТИЛАБ ҚОЛАМИЗ!

2021 ЙИЛ ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕАЛАР, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА ЁРҚИН ТААССУРОТЛАРГА ТЎЛА БЎЛИБ, БАРЧА САМАРАЛИ ЛОЙИХАЛАР АМАЛГА ОШСИН!

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Таллимаржон янада кўркам гўшага айланмоқда

Юртимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида ҳудудларда бугун мислсиз ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Янги йил байрами арафасида Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги Таллимаржон шаҳарчасида 2019 йилда «Обод шаҳар» давлат дастури доирасида бошланган бунёдкорлик ишларининг самараси ўлароқ бир қатор ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилди.

Таллимаржон шаҳри 1975 йилда ташкил топган бўлиб, бугунги кунда у ерда 100 та кўп қаватли уй-жойларда 11,5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Мазкур шаҳарчада вилоят ҳокимининг тегишли қарорига асосан кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Хусусан, ҳудуддаги 1971 йилда қурилган 400 ўринли маданият саройида 2019-2020 йилларда «Бунёдкор сервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан лойиҳа қиймати 6,2 миллиард сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Маданият саройининг янги биносидан оммавий тадбирлар, маком, бахшчилик, фольклор, амалий санъат тўғрисидаги очилиши кўзда тутилган.

Шаҳарчадаги 150 ўринли 19-мактабга таълим муассасаси ҳам 1986 йилда қурилган бўлиб, анча таъмирталаб аҳволга келиб қолган эди. 2,2 миллиард сўмлик капитал таъмирлаш ишларидан сўнг мазкур таълим даргоҳи ҳам замонавий кўриниш олди. 216 ўринли 34-умумий ўрта таълим мактаби таъмирталаб ҳолга келиши баробарида мавжуд эҳтиёжларни қондира олмаётган эди. Таълим муассасасида таъмирлаш ишлари билан бирга ёнидан яна 216 ўринли замонавий икки қаватли қўшимча бино барпо этилди. Натيجада мактабнинг ўқувчилар қамрови 432 ўринга етди.

80-йилларда қурилган 2-сонли 40 ўринга мўлжалланган Таллимаржон шифохонаси ва 150 ўринли шаҳар поликлиникаси ҳам қарийб 3,5 миллиард сўмлик капитал таъмир ишларидан сўнг замонавий қиёфага келди. Шифо масканларида ўрнатилган замонавий тиббий ускуналар аҳоли хизматида шай.

Шу кунни шаҳарчада истиқомат қилувчи 16 нафар боқувчисини йўқотган, ногирон, кам таъминланган ва уй-жойга муҳтож оғир аҳволдаги оила вакиллари «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини Туркистон кўчасидаги шинам уй-жойлар соҳибига айланди. Уларга бепул уй ажратилганлигини тасдиқловчи ордерлар тантанали топширилди.

Янги ташкил этилган «Таллимаржон барака чеварлари» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги тикувчилик цехи ҳудуддаги ишсиз хотин-қизлар учун айна мудао бўлди. Корхона иш бошлаганига эндигина икки ҳафта бўлганига қарамай ички бозорга маҳсулот чиқара бошлади. Айна пайтда тикувчилик фабрикасида 100 га яқин хотин-қиз устоз-шогирд анъаналарига кўра фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари «Обод шаҳар» дастури доирасида шаҳарчада бошқа таълим муассасалари, 12 километр автомобиль йўли ва жами 25,06 километр ички йўللار таъмирланди. Электр ва газ таъминотидаги муаммо ва камчиликлар бартараф этилди. Давлат хизматлари маркази замонавий кўринишдаги мухташам бинода иш бошлади. Бир сўз билан айтганда шаҳарча обод гўшага айланган.

Кун давомида кенг жамоатчилик вакиллари, пойтахтдан ташриф буюрган санъаткорлар ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида юқорида таъкидланган объектлар байрамона руҳда фойдаланишга топширилди.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими З. Мирзаев ҳам иштирок этди.

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

Бухоро туманида йўллари ободонлаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ички йўллари таъмирланаётгани ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш билан бирга, аҳолига қулайлик яратмоқда.

Йўллари обод бўлмоқда



Айни пайтда туман ҳудудидаги «Работи қалмоқ», «Кўшҳодим», «Истиқбол», «Наврўз», «Гала Осие», «Гулшанобод» ва «Кўчқумар» каби маҳалла фуқаролар йиғинларидаги жами 6 километрдан ортиқ узунликдаги тупроқли йўл кўчаларида «Бухоро туман йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси томонидан шағал ётқириш ишлари бажарилмоқда.

Суратда: қурилишдан лавҳа.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА)
олган сурат.

Чўлқуварлар диёридаги бунёдкорлик

Янги – 2021 йил кириб келишига санокли кунлар қолди. Мана шундай фараҳбахш дамларда мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида кўплаб замонавий турар жойлар, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қад ростламоқда.

Қўли гул бинокорларнинг фидокорона меҳнати билан бунёд этилган бинокорлик вакиллари, пойтахтдан ташриф буюрган санъаткорлар ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида юқорида таъкидланган объектлар байрамона руҳда фойдаланишга топширилди.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими З. Мирзаев ҳам иштирок этди.

Байрам арафасида туман марказидаги мактабга таълим ташкилоти-

да қувончли воқеа юз берди. Бу ерда олиб борилган мукамал таъмирлаш ишлари якунланиб, 180 нафар кичкинтой қабул қилиб олинди. Мазкур боғча бундан қарийб ярим аср аввал бунёд этилган ва таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Давлат бюджетидан ажратилган 2,9 миллиард сўм эвазига «Обод қурилиш» масъулияти чекланган жамияти бинокорлари МТТ қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборишди. Педагоглар ва болажонлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар очилиш маросимида қатнашган кенг жамоатчилик вакиллари бағоят хурсанд қилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, чўлқуварлар диёри – Мингбулоқда 57 та давлат, 40 та оилавий, 4 та давлат-хусусий шериқчилиги асосидаги ҳамда 2 та хусусий мактабга таълим ташкилотлари фаолият юритяпти.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Ёш спортчилар муваффақияти

Маълумки, Президентимиз ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Шундан иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.



Бу борада Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Фаробий» МФИда бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар салмоқлидир. Мазкур маҳаллада 3370 нафар фуқаро истиқомат қилиб, шулардан 903 нафарини ёшлар ташкил этади. Ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи қаратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Дониёр Қурбонбоев ва йиғин раиси Мироллим Агзамов ҳамда фаоллар ёрдамида яшаётган фуқаролар «Ёш куч» қаратэ тўғрисида ташкил этилди. Орадан қисқа муддат ўтишига қарамай, ёш спортчилар бир қатор мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишди.

– Ташкил этилган спорт тўғрисидаги маҳалла ташкилотчилардан маҳалла ҳудудида яшаётган фуқаролар, фарзандлари вақтини спорт билан шугулланиб, самарали ўтказиётганидан беҳад миннатдорлар, – дейди «Фаробий»


МФИ Ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича раис уринбосари Дилбар Қурбонова.

«Ёш куч» жамоаси 2 ой мобайнида 5 та мусобақада иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди

Райхон ТАНИҚУЛОВА.

28 ДЕКАБРЬ – ПОЙТАХТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ОЧИЛГАН КҮН

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗ ТИМСОЛИ



Инсоннинг тақдири, ҳаёти, келажаги ўзи туғилиб ўсган юрт билан узвий боғланиб кетган. Шунданми, бу заминга меҳр-муҳаббатимиз, эътиқодимиз бўлакча. Ватан истиқлоли биз учун ардоқли бўлган тимсолларда мужассам. Тошкент шаҳридаги Мустақиллик ва эзгулик монументи ана шундай барчамиз учун ардоқли бўлган тимсоллардан биридир.

Бунёд этилибдики, у ҳамisha юртдошларимиз, Ватанимизга ташриф буюрган сайёҳлар, хорижий делегация вакиллари билан гавжум. Бу ерда ҳатто дам олиш кунлари ҳам фарзандларини етаклаган ота-оналар, йигит-қизлар, пойтахт зиёратига келган меҳмонларни учратиш мумкин. Назаримда, бу монумент юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, Ватан суверенитети, дахлсизлигининг ҳам ўзига хос рамзига айланиб улгурган.

Мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланган саналар, йирик байрамларда унинг пойига давлат раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, тузилма-

ларнинг раҳбарлари, ижодкор зиёлилар, илм-маърифат аҳли гул қўйиши яхши анъанага айланган. Айна пайтда мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий давлатларнинг раҳбарлари, нуфузли делегациялар аъзолари, халқаро анжуманлар, симпозиумлар, маданий, илмий, спорт тадбирларининг қатнашчилари ҳам мазкур монумент пойини гулчамбарлар билан безаши одатдир. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бу хайрли анъана Ватанимизга, бунёдкор халқимизга, шонли тарихимизга, жаҳонга маърифат улашган болларимизга азбаройи хурмат ва эҳтиромнинг ўзига хос кўринишидир. Бу истиқлолимиз, хурлигимизнинг эътирофи, ёруғ истиқболимизга бўлган қатъий ишончнинг белгисидир.

Йиллар бир-бирини елдек қувиб ўтмоқда. Давр, воқелиklar, тафаккур, ҳаёт тарзимиз ўзгармоқда. Ислохотлар шахду шиддат билан кечмоқда. Халқимизнинг орзу-интилишлари ҳам бугунги янгиланиш жараёнларига ҳамоҳанг. Кўзи ёниб турган ёшларимизга тобора кўпроқ ишонч билдирилмоқда. Ижод аҳли учун қутилмаган, ҳатто орзу қилиш ҳам эп қўрилмаган имкониятлар, шароитлар эшиги ланг очилмоқда. Ватанимиз ҳур ва озодлиги, мустақиллиги, бедахлги биз учун муқаддас бўлиб қолмоқда.

Шундай экан, Мустақиллик майдони халқимиз озодлигининг, аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улғу, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимизнинг муқаддас рамзи, Мустақиллик ва эзгулик монументи эса хурриятимиз, эзгу интилишларимиз, нури эртамининг азиз тимсоли бўлиб қолаверади.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Бухорода Газли газни қайта ишлаш заводининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Бухорода газни қайта ишлаш заводи иш бошлади

Таъкидланишича, Газли худудда йирик газ кони ўтган асрнинг 50-йилларида очилган бўлиб, дастлабки газ захираси деярли 500 млрд куб метрни ташкил қилган. 1962 йилда конни ўзлаштириш бошланиб, табиий газ Бухоро-Урал газ қувури орқали Россияга жўнатилган.

Ҳозирда Газли минтақасининг мавжуд газ захираси 182 млрд куб метрни ташкил қилади. 2017-2020 йиллар мобайнида ушбу худудда олиб борилган геология қидирув ишлари натижасида 8 та янги газ конденсати конлари очилган. Бу йўналишда ишлар давом эттирилмоқда. Бугунги кунда «Ўзбекнефтьгаз» АЖ томонидан иқтисодиёт тармоқларини ва аҳолини табиий газ ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхона олдида турган муҳим мақсадлардан бири.

Давлат раҳбари томонидан нефть-газ тармоғига кўрсатилаётган алоҳида эътибор сабабли тармоқда улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Углеводородларни қазиб чиқариш йўналишида жорий йилда табиий газ қазиб чиқариш 33,6 млрд куб метрни, газ конденсати – 1 миллион 415 минг тонна, нефть – 204,0 минг тоннани ташкил этиши кутилмоқда.

Бунинг учун 121 та янги қудуқлар бурғиланган ва ишга туширилган. 600 та қудуқ мукамал ва жорий таъмирланган. Интенсификация қилиш ишлари амалга оширилган. 42 та технологик объектлар қурилган.

Келгуси йилда углеводород қазиб чиқариш кўрсаткичларини янада ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. 2021 йилда табиий газ қазиб чиқариш ҳажми 33,9 млрд куб метрни ташкил этиши кутилмоқда.

2021 йилда Муборак минтақасида Алан, Зеварда, Денгизкўл конла-

рида сиқув компрессор станцияси фойдаланишга топширилади. Бўзахур ва Тандирча конларида сиқув компрессор станцияларини қуриш бошланади.

Мазкур кўрсаткичларни таъминлаш учун 164 та янги қудуқ бурғиланади. 600 та қудуқ мукамал ва жорий таъмирланади. 25 та технологик объектлар қурилиб, модернизация ва реконструкция қилинади.

Мураккаб геологик шароитга эга ва унумдорлиги паст бўлган нефть ва газ конлари инвентаризацияси натижасида 25 та кон аниқланди. Ушбу конларни риск-сервис шартномалари асосида етакчи компанияларга углеводород қазиб чиқаришни ошириш учун бериш жараёни бошланди.

Геология-қидирув ишларини олиб бориш йўналишида жорий йилда табиий газ захираси 20 млрд куб метрга, газ конденсати захираси 620 минг тоннага ўстирилди.

2021 йилда табиий газ захирасини 35 млрд куб метрга, газ конденсати захирасини 900 минг тоннага ўстириш режалаштирилган. Ушбу кўрсаткичларга эришиш учун 50 та қудуқ бурғиланиб, 19 та янги майдон киритилади. Давлат геология қўмитаси томонидан 2021 йилда излов бурғилаш ишларини олиб бориш учун «Ўзбекнефтьгаз» жамиятига 15 та янги майдонлар тақдим этилди.


Тадбирда объектлар қурилиши фаоллик кўрсатганлардан бир гуруҳига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Маросимда «Ўзбекнефтьгаз» АЖ Бошқаруви раиси Меҳриддин Абдуллаев ҳамда Бухоро вилояти ҳокими вазифини бажарувчи Ботир Зарипов қатнашди.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА мухбири.

Тошкент шаҳри қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*Жонажон Ватанимиз аҳлини,
таҳару қитлоқларимиз ободлиги
йўлида меҳнат қилаётган барча
ҳалқабларимизни
қуриб келаётган
Янги йил
билан чин дилдан
қутлаймиз!*



Умри боқий ижодкор

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкор, десак муболаға бўлмайди.



Адабиётшунослар шоирни ғазал жанрининг чинакам давомчиси, дейдилар. Ватанга муҳаббат, она диёр истижоблига ишонч Эркин Воҳидов ижодининг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

У 1936 йилнинг 28 декабрида Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида ўқитувчи оиласида туғилган. Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетини тахсил олган. Ўқини тамомлагач, турли газета ва журналлар, нашриётлар таҳририятларида ишлаган. «Ёшлик» журналининг биринчи бош муҳаррири бўлган эди.

Эркин Воҳидовни фуқаролик позицияси ёрқин ифодаланган шоир, деб ҳам атайдилар. Унинг шеърлари келажак авлод тақдири учун хавотирга тўла. Муаллиф замонавий ҳаётнинг чуқур маънавий ва ахлоқий жараёнларини тушунишга интилади.

«Ўзбегим» қасидасида шоир халқнинг энг қадри ютуғи – Ватан эркинлиги ва мустақиллигини тараннум этади. Шоирнинг «Тонг нафаси», «Кўшиқларим сизга», «Юрак ва ақл», «Нидо», «Лирика», «Палаткада ёзилган дoston», «Ёшлик девони», «Чароғдон», «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ» каби шеърини тўпламлари адабиёт мухлисларининг кўнгил мулкига айланган. Айни пайтда «Келажакка мактуб», «Муҳаббат», «Замонавий ёшлар», «Изтироб», «Аччиқ ҳақиқат яхши...» каби тўпламлари шеърини мухлисларининг ардоғида асарлардир.

Ижодкорнинг «Олтин девор», «Истанбул фожиаси», «Иккинчи тумор» каби асарлари театрларимиз репертуарини ҳам, томошабинлар маънавиятини ҳам бойитишга хизмат қилган спектакллардандир. Устоз шоир таржима йўналишида ҳам ўзига хос мактаб яратган ижодкор. Гётенинг «Фауст» асарини, Есенин шеърлари, Ф. Шиллер, Иқбол, Улфат, Р. Ҳамза-тов, Л. Украинка, А. Блок ва бошқа турли халқлар шоирлари асарларини ўзбек тилига ўғирган.

Эркин Воҳидов асарлари немис, француз, рус, инглиз, урду, ҳинд, араб ва қардош туркий халқлар тилларида нашр этилган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Ўткир Ҳошимов сеvimли ёзувчим (Аллоҳ охиратларини обод қилсин). Биз унинг асарларини ўқиб улғайдик. Суҳбатларини ташналик билан кутар эдик. Айнан шу инсоннинг сая-ҳаракатлари билан унинг муҳаррирлигидаги «Шарқ юлдузи» журналида илк марта Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги маъно таржималари босилган эди.

Мен адабиётшунос эмасман, мен адабиётни севаман, китобларни севаман. Ва сизга ҳам кўнглим мулкига айланган асарларни ўқишни тавсия қиламан. Бугун яна сеvimли адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Ўткир Ҳошимов асарларидан айримлари ҳақида бирозгина тўхталамиз.

Адиб Саид Аҳмад у ҳақда шундай ёзган эди: «Москва матбуоти тарқатаётган тўхтат ва ҳақоратлардан сабр касоси тошган Ўткир Ҳошимов собиқ компартиянинг XXVIII съезди минбаридан туриб баралла овоз билан уларни фош қилди.

«Ўзбек иши» деган гапни ким ўйлаб топди? Нима учун «арман иши», «молдавон иши» эмас-да, айнан «Ўзбек иши»? Ўзбек нима ёмонлик қилди? Қўшиб ёзишлар бошқа жойда йўқми? «Ўзбек иши» туфайли армиядаги қанчадан-қанча йигитлари-

ларнинг гўзал ва самимий хотиралари бор. У ҳаётлик чоғларида ҳам кўпларнинг эҳтироми, эътирофига сазовор бўлган.

Бугун эътиборингизни 1989 йилда ёзилган унинг биргина ҳикоясига қаратаман. Бу адибнинг «Нега? Нега-а-а?!» ҳикоясидир. Ростини айтсам, ҳикоя номи мени унчалик ўзига тортмаган. Мен ёш эдим. Севги-муҳаббат мавзусидаги асарларни ўқигим келарди. Номланиши ҳам севгидан ироқроқми-ей. Ўткир Ҳошимовнинг ҳикояси бўлганлиги учун ўқий бошладим...

Ҳа, унда севги йўқ эди. Аммо буюк Меҳр, Муҳаббат, инсон қалбини тилка-пора қилиб юборадиган адоқсиз қайғу бор эди. Адибнинг китобларини қўлимга олсам, шу ҳикояни қайта ўқимасликка интиланман, аммо ихтиёрсиз яна варақлай бошлайман.

Ҳикоя қаҳрамони Ҳамидулла та-



Шундай асар ёзсангки...

миз нобуд бўлапти. Темир тубутлар фақат Афғонистондан эмас, Совет Иттифоқининг турли чеккаларидан ҳам келиб турибди. Бизнинг фарзандларимизга «босмачи», «кўшиб ёзувчи», «порахўр» деб қарашли ва очикдан-очик улдиришяпти. «Ўзбек иши» деган ҳақоратли гапни ўйлаб топганлар ҳали тарих олдида жавоб берадилар.

Қаршида олтин погонли генераллар, маршаллар шоп-шалопи билан тикилиб турган бир пайтда, уларнинг кўзига қараб туриб, шу гапларни айтиш учун ҳеч энгиб бўлмас ирода, жасорат керак эди. Ўткир бу обрўли шахслар олдида эсанкирабди, чўчимайди, халқ дардини бор овози билан айтди.

Ҳа, адибимиз том маънода халқ дардини асарларига кўчирди. «Ўзбек иши», «Нега? Нега-а-а?!» ҳикояларийек бунинг исботидир. У уруш кўрмасда-да, уруш ҳақида кўп ёзди. Суҳбатларининг бирида бунга шундай изоҳ берган: « – Ҳа, кўп ёзганман. «Урушнинг сўнги кўрбони», «Нега? Нега-а-а?!» деган ҳикояларим, «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» романлари уруш ҳақида. «Дунёнинг ишлари» эса уруш орқасидаги ҳаёт ҳақида.

Мен бу асарларни азбаройи урушни яхши кўрганим учун эмас, ундан нафратланганим учун ёзганман. Урушда ғолиб подшоҳ, ғолиб саркарда, ғолиб армия бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон ғолиб бўлмайди. Урушда ғолиб одам ҳам бахтсиз, мағлуб одам ҳам. Сабоби, уруш одамни ўзига ўхшаган бошқа одамни улдиришга мажбур қилади. Одам улдириган инсон эса ҳеч қачон бахтли бўлолмайдими.

Азиз ўқувчи, ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг нафақат асарлари, балки суҳбатларини ҳам топиб ўқишингизни маслаҳат бераман. Уларда сиз адибни янада яхшироқ биласиз, яндинингиз каби меҳрингиз ортади унга. Адиб ҳақида таниқли инсон-

жанг бир одам. Ўқийверсангиз, бу тажабга меҳрингиз туша бошлайди. Анчиққина, кинояли бир тил – адибнинг тили.

Ўқиймиз: «Троллейбус тикилинч эмас. Ҳар кун битта йўлдан юраверганиндан кейин ўрганиб кетаркансан. Саккиз йилдан бери шу (Қамоқдан қайтганидан буюн). Қорақамиш «икки-бир»дан (топган номи қаранг: «икки-бир»миш, улсин агар, одамнинг тили келишса) секин йўлга тушади».

Ҳамидулла нега қамалганини билишни истайсизми? Кунларнинг бирида... Йўқ-йўқ, яхшиси, ҳикояни ўқиб билиб олганингиз тузуқ. Бундй тафсилот тарғибот саҳифамизга ярашмайди.

Яна ўқиймиз: «Сурхондарё томонда «ахлоқини тузатишди». Темир йўл яқинида. Қора пахталик кийган аристонлар... Кечалари оғир гўнгиллаган самолётлар, муттасил тарақа-туруқ қилиб ўтадиган юк поездлари... Аввалига ярми очик вагонларга ортилган юкларнинг усти брезент билан ўраб қўйилгани учун ҳеч бало кўринмасди. Кейин брезент қопламасиз ташийдиган бўлишди. Танклар, замбараклар, БТРлар. Колонияда сиёсий ахборот бўлди. Империализм малайлари Афғонистон демократик республикасидаги Савр инқилобини бўйиб ташламоқчи бўпти. Шонли совет жангчилари ўзининг интернационал бурчини шараф билан бажаришга киришибди.

...Унда Ҳамидулла ҳеч нимани ўйламади. Ўйлаб нима қилади? – Қаранг, бир нарса етти ухлаб тушига кирмабди. Ой ўтади, йил ўтади, пайти келиб сенинг ўғлинг ҳам Афғонистонга боради, интернационал бурчини бажаради...»

Ҳа, зукко ўқувчимиз сўз нима ҳақида эканлигини англади. Ўша давр фожиялари ҳақида кўп ёзилган. Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева бир шеърда шундай деб эди:

«Ҳиндикушдан олов келди, жола келди,
У келмади, кўкка ўрлаб нола келди».

Катта авлод бу «кўкка ўрлаган нолаларга» гувоҳ бўлган. Майиб-мажруҳ қайтганлар бор, айримлари аллақачон оламдан ўтган. Ҳикоя қаҳрамони Ҳамидулланинг ўғли ҳам ўша ўт ичиди хизмат мени қаранг: «Жуда кўп тенг-тўшлари қатори яқинларига хат ёзганида Афғонистонда хизмат қилаётганини билдирмади. Ота «Боши тошдан бўлсин ишқилиб. Кўпи кетиб, ози қолди», деган хаёллар билан унинг йўлига интиқ.

Ўқиймиз: «Мана, икки йилки, «Термиз»дан хат келади. Хотини хурсанд. Телевизорда Афғонистонни кўрсатса, тавалло қилади: «Адажониси, пешонамиз ярақлаган экан, яхшиям Раҳматиллангиз Термида хизмат қилапти...» Телевизорни шартта ўчириб қўйсанг, хотининг қизларини кўнглига гап келса... Кўраверай десанг... Хайрият, уч кун аввал хат келди. «...Хизматлар осон. Опа! Мендан хавотир олманг. Декабрнинг ўрталарида уйга бораман».

Ҳа, ана шундай хат келганди. Уни интиқ кутаётган эдилар. Келган заҳоти тўй қилишмоқчи эди. У келди, айтган вақтидан бироз олдинроқ келди...

Ўқиймиз: «Баракка ўхшаш узун палата... Икки қатор темир қара-вотлар. Тўшаклар... Оқ чойшаблар... Қўланг аёллар. Бир-бирига ўхшаш қийфалар... Ҳаммаси ёш, ҳаммаси ранглар... Дори иси... «Банниса» иси... Пастак деразадан тушаётган хира нур...»

– Ана! Секин... Илтимос, шовқин солма...

– Ада!
Наҳот! Наҳот шу ўғли бўлса! Аэропортда хайрлашаётганида «мендан хавотир олманглар», деган, аввало онасини, кейин уни кучоқла-

ган, кучоқлаганида белини қисирлатиб юборган... Қани, қани ўша ўғли? Ун яшарлигида «онангни эҳтиёт қил», деганида йиғламай ерга қараб турган, хизматга кетиш олдида девдек йигит бўлиб етилган... Тамом бўпти-ку! Ранги доқадек оппоқ... Соқол-мўйлови ўсган...

– Ўғлим, жон болам!
Раҳматилла аёл тағидан кўлини чиқариб, унинг бошини силади.
– Йиғламанг, ада.
Қизиқ, нега соқол-мўйлови мунча дағал? Нега оқарган? Ё худой! Ўғли ўзидан қариб кетибдими?

– Болам! Нима қилди? Нима бўлди сенга?

– Опамга айтманг, ада! Опамга айтманг... Сизни кўрдим... Докторга раҳмат...

Бардошингиз етармикан ўқишга?! Бу ҳикоя бор-йўғи, бир эркакнинг ҳикояси, «гамнинг куйи», ўзи эмас. Ўша йиллари темир тубтуда келган аскар боласининг совуқ дийдорини ҳам кўрмай ерга қўйганлар бўлди.

Яна ўқиймиз: «У жинни бўлиб қолганга ўхшарди (Балки чиндан адални юлқиб четга улоқтирди.
– Тур, болам! Тур ўрингдан! Кетамиз! Уйга кетамиз!
Шунда... Шунда, тўшакнинг ярми бўш эканини пайқлади. Ўғлининг иккала оёғи йўқ эди. Тиззадан эмас, ундан ҳам юқорироқдан. Кўкрагидан бугёи доқа билан ўраб ташланган. Ҳар жой-ҳар жойда қизғишот доғлар. Қотиб қолган қон доғлари».

Етар... Ортиқ бу ҳикоя ҳақида сўз айтишга бардошим етмайди. Ўзингиз ўқиб кўринг.


Sevimli адибимиз Ўткир Ҳошимов шундай ёзган эди: «Шундай асар ёзсангки, китобхон уни ўқиганида ҳамма нарсани унутса. Асар қаҳрамонлари ҳаёти билан яшаса. Қувонса, изтироб чекса... Китобни ўқиб бўлган кунни кечаси билан ухлолмай, тўлғаниб чиқса... Вақти келиб, ўша китобни яна қўлига олганида қайтадан ҳаяжонга тушса... Ундан янги маънолар топса... Орзум – шу...»

Мен эса бир ўқувчи сифатида ҳар доим унинг китобларини муталаа қилар эканман, қувонаман, изтироб чекаман, ҳаяжонланаман, янги маънолар топаман.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
ЎЗА.

«O'zbekkommunalloyihaqurilish» ДУК жамоаси

барча ҳамюртларимизни,
Ватанимиз тараққиётига муносиб
ҳисса қўшаётган қурувчиларни,
меъмору лойиҳачиларни яқинлашиб келаётган
Янги – 2021 йил
айёми билан табриклайғи.



Инсон борки, бу ҳаётда олдинга интилиб, юксак марраларни забт этишга, вақт фанматлигидан фойдаланиб қолишга доимо ҳаракат қилади. Бироқ буни ҳаёт, дейдилар, одамзод ер юзиде пайдо бўлибдики, босган ҳар бир қадамнинг ортида нима бор, нима бўлиши бўйича ҳам фикр юртади. Халқимиз бу томонлама айнаса ўта зийрак ва етти ўлчаб, бир кесадиғанлардан. Бажармоқчи бўлган барча ишига минг бир мулоҳаза юртади, зарурат тугилса, бошқалар билан маслаҳатлашади. Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, мана 2020 йил ҳам поёнига етиб, каттаю-кичик сабрсиёзлик билан кутаётган Янги – 2021 йил ҳам останадан ҳатлаб ўтиш арафасида турибди.

Анъанага биноан биз ҳам бир бор ортга назар солсак, бугун-эрта энди тарихнинг залвор саҳифаларига ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари билан абадий муҳрланиб қоладиган яқунланаётган йил халқимизга нима берди, ўз навбатида, нималар қилди, нималарга эришди, деган ўй-фикр ҳар бир виждон эгасини сукут сақлаб, мулоҳаза қилишга интиртириши аниқ.

ЙИЛ БОШИДАГИ РЕЖАЛАР

Айтиш керакки, жорий йил бунчалар таҳлика, синовларга бой йил бўлади дегувчи башоратчи бўлмаган бўлса керак. Дарҳақиқат, ўша паллада биздан бирмунча олисда, Чин юртида коронавирус деган бало тарқаган, бироқ у бизнинг юртга келмайдигандек туюларди.

Фикримизни жорий йилнинг январь ойидан бошлашсак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январь кунин Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди. Ўша тарихий Мурожаатномада жорий ва келгуси 5 йилга мўлжалланган истиқболли режалар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари баён этилиб, долзарб қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Шунингдек, тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш керак», дейилганди Мурожаатномада.

Шу билан бирга Мурожаатномада буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган азму шижоатли халқимиз бир тану бир жон бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилса ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир экани қайд этилди.



Тошкент шаҳрининг қоқ марказида Адиллар хиёбонининг яхлит мейморий ансамбли яратилгани маънавий ҳаётимиздаги унутилмас воқеа бўлди.
2017 йил 3 февраль кунин Президентимиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташрифи чоғида ушбу ҳудудда Адиллар хиёбонини яратиш борасида тақлиф берган эди. Ўша йили 18 апрелда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилиниб, хиёбоннинг мейморий-ғоявий лойиҳаси ишлаб чиқилди.

миз эса уни, энг аввало, қўрқува тушмаслик ва шифокорларнинг маслаҳатлари-ю, тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш йўли билан энгиш мумкинлигини амалда исботлади. Яратганининг ўзи бошқа балолардан асрасин. Тўғриси айтиш керак, бугун ана шу томонлама ҳам пандемияга қарши Ўзбекистон тажрибаси ён-этрофдагиларга ибрат мактаби бўлмоқда.

Касалликни олдини олиш, унинг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик борасида қилинажак ишлар касалликнинг юртимизга кириб келган биринчи куниданоқ белгилаб олинди.

сий мезонига айланган. Давлатимиз раҳбари ҳозирги пандемия шароитида долзарб масалаларнинг кўплиги ва нуқулай об-ҳаво шароитига қарамай, халқ дардига малҳам бўлиш учун зудлик билан Бухоро вилоятига етиб борди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вертолётда Қорақўл ва Олот туманларидаги ҳолатни кўздан кечирди.

«Коронавирус пандемияси пайтида ҳамма ташкилий чора-тадбирларни кўриб, тартиб-интизомни қаттиқ тутганимиз натижаларини кўраётганмиз. Ҳар бир фуқаронинг ҳаётини асраш учун 24 соат ҳаракат қиляпти. Албатта, бу ҳаммамизнинг бошимизга тушган катта синов. Аввал айтганимдек, биз бу қийинчиликдан жипслашиб, янада қудратли бўлиб чиқамиз, бир-биримизга меҳр-муҳаббатимиз ошади. Ке-чаги офат ҳам яна бир синов бўлди. Ҳаммасини бевосита кўриш, сизларнинг кайфиятларингизни кўтариш учун ўзим келдим. Қўлимизда барча маълумотлар бор. Қанча маблағ керак бўлса, берамиз. Биронта хонадон, корхона, фермер хўжалиги эътибордан четда қолмайди. Энг катта масала – саранжом бўлиб, одамларни асраш керак» деганди ўшанда Президентимиз Олот тумани марказида маҳаллий аҳоли вакиллари, фаоллар билан учрашувда.

Талафот оқибатларини бартараф этиш бўйича тузилган Республика ишчи комиссияси таркибиде Қурилиш вазирлиги томонидан ҳам катта ҳажмдаги ишлар олиб борилди.

Албатта, бунда талафот оқибатларини аниқлаш, ишларни ташкил қилиш, қурилиш-тиклаш ишларини шаҳарсозлик меъёрлари талаб даражасига етказиш, ишларни пандемия шароитида сифатли ва тез амалга оширишда республикамизнинг барча ҳудудларидан қурувчи-мутахассислар сафарбар этилиб, улар томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди.

ташабуускори Шавкат Мирзиёев тонг ғира-ширасида зудлик билан воқеа жойига етиб келгани, нафақат сирдареликларни, балки республикамиздаги каттаю кичикни ҳаракатга келтириб, бундай жараёнда барчамиз бир бағир бўлишимиз эслатиб қўйди. «Яратгандан илтижо қилиб сўраймизки, охириги кўрганамиз шу бўлсин», деган мазмундаги давлат раҳбарининг сўзлари эса барча фуқароларга руҳий мадад берди.

Воқеадан бир неча кун ўтиб, давлатимиз раҳбари яна тошқандан зарар кўрган туманларда бўлди ва ҳудудда олиб борилаётган ишларни кўздан кечирди. Шу жойда учта массивда 2 640 квартиралар 66 та беш қаватли уйлар қурилиши, зарар кўрган уйлари қайтадан тиклаш режалаштирилди. Мана шу кундан бошлаб бир дақиқа вақт ҳам бесамар кетмади, табиий офат туфайли зарар кўрган ҳудудларда ҳаёт қайнагани ҳамда юртбошимиз бошчилигида халқимиз бир тану, бир жон бўлиб ҳаракат қилганининг самарасини бугун ҳар қандай киши бориб кўрса, нафақат ҳайратдан лол қолади, балки иродаси мустаҳкам, матонатли юртдошларимизнинг қисқа давр оралиғида бунёд этган замонавий иморатларига ишонгиси келмаслиги ҳам мумкин. Лекин борни бор, дейиш керак-да!

Бундай синовлар хайриятки, бирин-кетин барҳам топяпти, ким билади, дейсиз балки буларнинг замирида меҳнаткаш юртдошларимизни бунёдкорлик ва юртбошимиз раҳнамоллигида бошланган ислохотларни кўнгилдагидек рўёб топтириш йўлида янада жипслаштириш мужассамдир. Муҳими, оғир давларни бошдан ўтказган юртдошларимиз тушунлиққа тушмади, эсанқирамади, аксинча, барча соҳаларда аввалгидан-да кўпроқ ташаббуслар кўрсатиб, иқтисодимизни мустаҳкамлаш ҳамда халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга жиддий киришди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Қу-

Синовлар ортидан

2020 йилнинг 1 декабрь ҳолатига республика бўйича 78,0 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,7 фоизга тенг.

Жами қурилиш ишлари ҳажмида ҳудудларнинг улуши:

Тошкент шаҳри – 21,3 фоиз;
Тошкент вилояти – 7,0 фоиз;
Самарқанд вилояти – 6,7 фоиз;
Бухоро вилояти – 6,2 фоиз;
Қашқадарё вилояти – 5,8 фоиз;
Фарғона вилояти – 5,4 фоиз;

Сурхондарё вилояти – 5,3 фоиз;
Андижон вилояти – 5,0 фоиз;
Навоий вилояти – 5,0 фоиз;
Наманган вилояти – 4,9 фоиз;
Қорақалпоғистон Республикаси – 4,3 фоиз;
Хоразм вилояти – 3,4 фоиз;
Жиззах вилояти – 3,4 фоиз;
Сирдарё вилояти – 2,5 фоиз.

Қурилиш ишлари ҳажми таркибиде:
кичик корхона ва микрофирмалар – 43,4 трлн сўм;
йирик ташкилотлар – 21,0 трлн сўм;
норасмий сектор – 13,6 трлн сўм.

Президентимиз депутат ва сенаторларга, уларнинг тисолида бутун халқимизга Мурожаатномада мамлакатимиздаги демократик ислохотлар ҳеч қачон ортга қайтмаслигини таъкидлаб, янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги улғувор мақсадларни баён этганди, 2020 йилда илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни белгилаб берди ва шу муносабат билан 2020 йилни мамлакатимизда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили», деб эълон қилди.

Ўз Мурожаатида Президентимиз: «Халқимиз шунинг яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни пухта ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интиласак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради», деган эди.

Ана шу Мурожаатномада барча тизимлар қатори қурилиш соҳасига ҳам катта эътибор қаратилаганди.

Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айланди. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди. Ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татиқ этиш, соҳа учун кадрлар

Бир сўз билан айтганда, халқимиз Президентимиз бошчилигида маррани баланд олди. Мамлакатимиз тараққиёт йўлининг янги даврига қадам қўйди.

СИНОВЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ

Бошқа юртларни билмадигу, аммо Марказий Осиё давлатлари орасида юртимиз, халқимиз оғир, ҳа, жуда оғир синовлардан ўтди. Бугун буни эслашнинг ўзи юракларни титратиб, кўзларни ёшлатади. Йилбоши кўнгилдагиде келгани сабабли барча ишлар бир меъёрида кетаётгани. Тўғри, юқорида эслаганимиздек, Чин давлатидан бутун ер юзига тарқалган коронавирус балосига пандемия туси берилди.

Йил сарҳисоби аввалида юқорида таъкидланганларга тўхталганимизнинг боиси бор, зеро, башоратчи Ванга эмасдики, ҳали олдимизда халқимизни яна нималар кутаётганини билсак. Таассуфки, ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган жойдан, синов ортида яна бир синов – дунё афкор оммасини ларзага солган пандемия балоси бошқа давлатлар қаторида юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Бу нафақат маънавий, балки иқтисодий томонлама ҳам аҳволни оғирлаштириши муқаррар эди. Мазкур хасталик туфайли саросимага тушиб қолган гегемон давлатларда «Дунёнинг эртаси қандай бўлади?» қабилида фикр юритилаётганда, халқи-

Режадаги ишлар қатори қурилиш соҳаси вакиллари ҳам жиддий, шу билан бирга масъул вазифалар юкланди. Даставвал, коронавирус касаллиги гумон қилинаётган, хориждан чартер рейсларда олиниб келинаётган ҳамюртларимизни карантинда сақлаб туриш учун республикамизнинг турли вилоятларида махсус карантин зоналари, касалланганларни даволаш учун бир қатор янги касалхоналар барпо этилди. Уларни бунёд этишда мамлакатимиз қурувчилари жонболик кўрсатишди.

Коронавирус пандемиясининг юртимизга кириб келган илк ойларида, карантин шароити жорий қилинган бир пайтда, аниқроғи, 2020 йилнинг 27-29 апрель кунлари Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларида содир бўлган кучли довул таъсирида аҳолининг уй-жойлари ва ижтимоий соҳа объектлари биноларининг томқоплама конструкцияларига жиддий зиён етди.



Оқангарон шоссеси Тошкент халқа йўлининг бир қисми ва Маҳтумқули кўчасини боғловчи уч поғонадан иборат йўл ўтказгич. Мазкур кўчалар кесимсизда 2018 йилда бошланган лойиҳа бу йил рўёбга чиқиб, ҳайдовчиларга жуда катта қўлайлик яратди.

ОФАТНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Ўша машъум 1 май тонги ҳам Ўзбекистонимиз тарихида халқнинг яхши кунлари баробарида офат келтирган кун сифатида муҳрланган

рилиш вазирлиги ва унинг тасарруфидеги ташкилотларда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига назар ташланса, осмон билан бўйлашган, асрларга татиғулик мўъжизакор бинолар, иқтисодиётимизга хизмат қилувчи иншоотлар ҳар қандай кишини лол қолдириши, истиклол келтирган дорилломон кўнларга етказганига шукроналар айтиб, бугундан кўра, эртага янада интилиб яшашга даъват этади.

КЎЗЛАРНИ ҚУВОНТИРУВЧИ БУНЁДКОРЛИК

Қисқа муддатларда бунёд этилган ва этилаётган, бири-биридан гўзал ва бири бошқасини тақрорламайдиган кўп қаватли уйлар, давлат корхоналари ҳамда ўқув юртлари, мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, буларнинг барчаси осмондан тушмади ёки бировлар қилиб бермади.

Агар уларга яхшилаб разм солсангиз, уларнинг пойдеворидан тортиб, ҳар бир қўйилган ғиштигача захматкаш қурувчиларимизнинг қаддоқ қўлларидан қолган излар ярқираб кўрингандек туюлади. Ва шу заҳоти хаёлингизни яқин ўтмиш чўлгаб олади. Пойтахтимиздаги алмисосқдан қолган уй-жойларни қўя турайлиг-у, ана шу жойларда, катталикдан, шароитлари ҳаминқадар бўлган хонадонларда 4-5 та, ҳатто ундан ҳам кўп оилалар минг бир азобда кунини ўтказганини барчамиз яхши биламиз. Шундай воқеалар ҳам бўлдики, яшаш шароити оғирлигидан қанча оилаларнинг турмуши парокандаликка юз тутди. Буларни эндиликда бир сўзда ифодалаш осон, аммо ўша даврда инсон омилли, унинг қадр-қиммати афсуски, ерга топталиш даражасига келиб қолганини ҳеч ким инкор этмас керак.

Одамлар бу шароитга кўнгилик қолган, тақдир-тақозамиз шу экан, деб ўйларди. Лекин бир инсонни турмуш тарзи, яшаш шароити, меҳнатидан кўраётган даромади қониқтира олмаётганини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаганди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга ўз Мурожаатномасида «Менинг энг катта ниятим шунки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг «кичик Ватани»га – уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади», деган эди. Ҳок ишонинг, ҳок ишонманг, шундан сўнг кўчада, маҳаллаларда, айниқса, жамоат транспортларида одамлар



Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб пойтахтимизнинг Олмазор туманида қад ростлаган Ғалаба боғи. Кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг ҳар қандай қийин шароитда ҳам буюк ишларни амалга оширишга қодир эканини яққол намоён этган ушбу қурилиш бугунги кунда халқимизнинг фашизмга қарши курашда кўрсатган мислиси қаҳрамонлигини тарих саҳифаларига муҳрлаган бетакрор мажмуъага айлангани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.



Тошкентнинг Яшнобод туманида Болалар миллий тиббиёт маркази барпо этилди. Лойиҳа қиймати 130 миллион доллардан зиёд бўлган мазкур марказ Корея Республикаси кўмағида, «Баум» корпорацияси лойиҳаси асосида барпо этилди. Бу юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатишга ихтисослашган Марказий Осиёда ягона ушбу турдаги болалар тиббиёт муассасасидир. Бу ерда йилгига 1,5 мингдан зиёд ноёб жарроҳлик амалиётларини бажариш имконияти мавжуд.

27 апрель кунин мамлакатимизга Туркманистон ҳудудидан кириб келган кучли шамол Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида аҳоли ҳаёти, инфратузилма тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар келтирди. Шамолнинг тезлиги айрим ҳудудларда секундига 40 метргача етди. Ходиса талафотлари, айниқса, Бухоро вилоятида катта бўлди. Бир неча фуқаро жароҳатланиб, бир киши ҳалок бўлди. Шунингдек, уй-жойлар, автотранспорт воситалари, инфратузилма объектлари ва экин майдонларига зарар етди.

Халқ ичиде бўлиш, одамларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш, турмуш шароитини яхшилаш Президентимиз фаолиятининг асо-

ни бор ҳақиқат. Уни эслашнинг ўзи даҳшат.

Эрта тонгдан Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилгани тўғрисидаги шум хабардан халқимиз жунбушга келиб, оёққа турди. Ҳеч ким кутмаган бу офат ортидаги талафотни тасаввур қилиш қейин эмасди, кўплаб аҳоли яшаш пунктлари, коммуниқация тармоқлари, агросаноат мажмуидаги экин майдонлари, йўллар ва чорвачилик бўғинига катта зарар етганди. Ўша жараёнда «Энди бу ёғи нима бўлади?» деб бош чангаллаб қолганлар ҳам бўлганини инкор этмаймиз.

Юқорида таъкидлангандек, халқимиз етти ўлчаб бир кесадиғанлардан. Мана шундай пайтда айримлар гафлат босиб ётганда, ислохотлар

Мурожаатномада қайд этилганларни сўзма-сўз такрорлаб, кўзларига қувонч ёшлари билан ислохотлар ташаббускорини дуо қилишганини кўриб, шундай юртада яшаётганимиз ва шу кунларга етказганига барчамиз шукроналар айтганмиз.

Эътироф этиш жоизки, қилинаётган барча бунёдкорлик ишлари қурилиш бозорини янада кенг ривожланишига ҳам йўл очди. Ўз навбатида бу «мультипликатор» бўлди. Бу дегани, уй қуриш учун қурилиш моллари, ишчи кучи ва

Эътирофлар ортидаги ҳақиқатга назар солинса, ислохотлар ташаббускорининг қурилиш ва бунёдкорлик соҳасидаги 40 га яқин фармон ҳамда қарорларининг ҳосиласи туфайли мана шундай ютуқларга эришилаётганини чуқур ҳис этади. Уларда энг аввало, соҳани ислоҳ қилиш, такомиллаштириш, шаффофликни таъминлаш, ипотека бозорини ривожлантиришда кўриш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиз, Президентимизнинг Олий Мажлисида Мурожаатномасида бел-

таълим ва тиббиёт муассасалари, бу кабилар рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

ВАЗИРЛИКНИНГ РАСМИЙ САЙТИ

Бир пайтлар сайт ва шунга ўхшаш янги терминлар тўғрисида гапирсангиз, эшитганлар бу нима экан, деб ҳайрон қоларди. Чунки истеъмолчимизда бунга ўхшаш сўзлар мутлақо йўқ эди. Эндилдиқда у нима ва қандай имкониятларни очиб беришини барча чуқур англаб етган. Одамларга, айниқса, тадбиркорларга, хорижий инвестор ҳамда маҳаллий тадбиркорларга қулайлик бўлиши учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ўз сайтини йўлга қўйди. Истаган киши ўзини қизиқтирган масалада унга кириб етарли жавобини олиши мумкин. Масалан, бир тадбиркор бирорта объект қурмоқчи, лекин ишни қандай йўсинда ва нимадан бошламоқчи, харажатлари қандай бўлиши, қисқа қилиб айтганда, барчасига тўлиқ жавобни ана шу жойдан топади. Мана шундай қулай имкониятлар ҳеч бир замонда бўлмаганди. Истиқлол шарофати туфайли дорилмомон кунларга эришганимизни чуқур англаган бунёдкорларимизнинг бунга беминнат жавобларини улар қурган ва қураётган биналар амалда буй кўрсатмоқда.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, ҳалқимизнинг турмуш шароитлари жаҳон талабларига мослашишида қурилиш соҳасининг алоҳида ўрни бор. Чунончи, давлатимиз раҳбари бир қатор чиқишларида мамлакатимиздаги қурилиш ишларини жадаллаштириш, бу жараёнда, аввало, сифат ҳамда самардорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, қурилиш коррупциясиз соҳага айлантириш, шаффофликни кучайтириш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берганлари беқорга эмас.

рилиш жараёнини назорат ва мониторинг қилишда рўйхатга олиш, қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан амалга оширилаётган назорат текширувларини ҳамда кўрсатиб ўтилган камчиликларни қайд этиш, уларни бартараф қилиш юзасидан маълумотларни ўзидан мужассам этди.

БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ УСУЛИ

Янги қурилган замонавий биналар ҳар қандай кишининг эътиборини тортмай қўймайди, кўркамлигидан завқланасиз, ғурурланасиз. Бироқ унинг камчилиги ёки қўл учидан бажарилгани эса дилга озор бериши аниқ.

Энди эса бундай бўлмайти, лойиҳа-қидирув ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида рейтинг тизими йўлга қўйилди. Бу билан лойиҳаловчи ва қурувчининг иши бино фойдаланишига топширилиб, барча ютуқ ҳамда камчиликлар юзага чиққан эмас, балки қурилиш-монтаж жараёнида баҳолаб борилади. Бу тўғрисида 2020 йил 9 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжат асосида Лойиҳа-қидирув ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низоом ҳам тасдиқланди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу рейтинг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган методикалар асосида юритилади. Айна пайтада бу дастурий таъминот «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграциялашган бўлиб, унга

кириштирилган маълумотлар барча учун очiqдир. Хоҳлаган одам ушбу порталга кириб, истаган қурилиш ташкилоти ҳақида ахборот олиши мумкин. Бунинг учун эса ташкилотнинг 9 та хонадан иборат СТИР рақамини кириштириш лозим. Қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингига ишончилиги тоифаси «А», «В», «С», «D» категорияларида баҳоланади, ишонч даражаси 1, 2 ва 3 даражада белгиланади.

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА

Мустақиллик шарофати туфайли биргина яқунланаётган йилда қурилиш ҳамда бунёдкорлик соҳасида амалга оширилган ишларнинг мингдан бирига тўхталдик, холос. Ҳақиқатда эса уларни санаб, адоғига етиш қийин. Бу бунёдкорликнинг мазмун-моҳиятида, энг аввало, фуқароларимизнинг йиллар давомидаги орзу-армонлари ушалаётгани, Соҳибқирон бобомиз Амир Темури таъкидлаганидек, бир жумлада мужассамдир: «Кимлигимизни билмоқчи бўлганлар биз қурган иморатларга боқсин».

Кунчи кеча яна бир қувончли воқеага барчамиз гувоҳ бўлдик. Бу йилги пандемия келтирган қийин вазиятда ҳам мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари асло тўхтаб қолмади. Халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, узоғини яқин қилишга қаратилган улкан лойиҳалар бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.

Жорий йил Мустақиллик байрами арафасида Тошкент ер усти метросининг биринчи босқичи битказилган эди. Утаётган йилнинг сўнги шукӯли кунларида унинг яна бир муҳим бўғини – Сергели йўналиши ишга туширилди.

Сергели ер усти метро йўналишини лойиҳалаштириш 2017 йилда бошланган эди. Қурилишнинг бориши давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлди.

Умумий қиймати 82,66 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳа «Боштранслейв» акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланди. Уzunлиги 7 километрик мазкур темир йўлда бешта бекат барпо этилган. Метрополитеннинг «Олмазор» бекати билан оралиқда 580 метрик туннель қурилиб, ер усти ва ер ости йўллари боғланган.

Бекатлар миллий дизайн асосида пардозланган, замонавий технологиялар, электрон тўловли турникетлар, эскалатор ва лифтлар билан жиҳозланган. Бу йўналишда 214 нафар



Олмазор туманидаги Талабалар шаҳарчасида В. И. Романовский номидаги математика институтининг янги биноси. Янги иморатда 7 та илмий лаборатория ва «Еш математиклар» маркази фаолият қилмоқда. Бинонинг шинам қаватларида ахборот-ресурс маркази ва семинар хоналари, академик ва тадқиқотчилар учун кабинетлар, кутубхона, мажлислар зали, ошхона жойлашган. Хоналар энг илгор техника ва усуналар билан жиҳозланган.

бўйлаган ҳақиқат

техникаларга бўлган талаб ортиши натижасида «қурилиш кластери» яратилди. Тизим тўлақонли ишлаши ва келажакда ривожланиши учун арзон уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда инфратузилма объекти қурилиши иштирокчилари, қурилиш материаллари ва усуналарни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга, транспорт ташкилотларига нисбатан бож имтиёзлари қўлланилди.

Бунинг натижасида юртимизда интеграция ва инвестицияларни кiritиш жараёни кутилганидан ҳам яхши ривожланди. Йирик халқаро молия институтлари ҳам давлатимизда бошқа соҳалар баробарида бунёдкорлик йўналишида ўтказилаётган изчил ислохотларни қўллаб-қувватлаб келишяпти. Яна бир эътиборли жиҳати, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган дастурлар ўтаётган йилда ҳам изма-из тарзда амалга оширилди. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» кабилар халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

ҚУРИЛИШ САНОАТИНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ

Қадимдан шу нарса маълумки, қайси жойда тараққиёт ривожланса, ўша жой, ўша мамлакатда ободончилик ҳамда бунёдкорлик қарор топади, халқ фаровон яшайди. Интернет тармоғларидан бирида россиялик тадқиқотчи юртимиз тўғрисида шундай ёзибди: «Ўзбекистон мустақил давлатлар орасида ўз тараққиётини аниқ мақсад асосида шакллантириб бораётгани учун ҳам барча соҳаларда юксак ривожланиш сари юз тутмоқда, айниқса, қурилиш саноти бўйича МДҲ давлатлари орасида пешқадамлик қилаётганлардан биридир».

Бундай эътирофни ўқиган ҳар қандай киши, энг аввало, кейинги тўрт йил оралиғида давлатимизда ўтказилаётган туб ислохотларни кўз олдига келтиради. Дарҳақиқат, ана шу йилларда жамиятимиздаги бирорта соҳа йўқки, эътибордан четда қолган бўлса. Айниқса қурилиш ва бунёдкорлик ишларида бошқа бир юртининг фуқароси таъкидлаганича бор. Яна шунга қўшимча бир фикр: ҳозирги кунда қайси вилоятга борманг, ўша жойдаги бунёдкорликларни кўриб, қаерга келганимизни ҳам билмай қоласиз. Пойтахтимиздаги ишлар таърифига эса сўз ожизлик қилиши аниқ.

гиланган вазифалардан келиб чиқиб, Қурилиш вазирлиги томонидан соҳа фаолият турларини рақамлаштириш, тендер савдоларини такомиллаштириш, қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини жорий этиш, шаҳарсозлик нормаларини янгилаш, бюрократик тўсиқларни камайтириш, барча босқичларда шаффофликни таъминлаш, инновацион ишланмалар ва илгор ахборот технологияларини кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада биринчи галда давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари ва маълумотларини жамоатчиликка онлайн режимда тақдим этиш имконини берувчи «Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри» географик ахборот тизими (геопортал) ишлаб чиқилиб, ишга туширилганини таъкидлаш ўриналиди.

Шу билан бирга, ҳозирги пайтада қурилиш жараёнлари калькуляторлари ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, уларда юртдошларимиз томонидан қурилиш режалаштирилаётган ҳар қандай иншоотларнинг қурилиши ва у билан боғлиқ ишлар учун қайси жараёнлардан ўтилиши аниқ кўрсатилади. Бу ҳам аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаган ҳолда улар шаффоф, аниқ тизим орқали кўмак бериш дегани. Соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилиб, «Шаффоф қурилиш» ахборот тизими ишга тушиб, бу коррупция, ортиқча вақт ҳамда бюрократик тўсиқларнинг олдини олишга замин яратди.

Бир сўз билан айтганда, соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси мамлакатимиз қурилиш соҳасининг янада ривожланиши, жаҳон стандартлари асосида фаолият юритишига, пировардида, халқимиз талаб ва истакларини шаффоф кўринишида, тез фурсатларда ечим топишини таъминлашга кўмак беради.

Соҳани ривожлантириш билан бирга, республикамизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, уларда жонбозлик кўрсатаётган қурувчи-муҳандислар, лойиҳачилар меҳнати ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир.

Қурилиш соҳасидаги ана шу фидоий кишилар тўғрисида гап кетганида, биргина пойтахтимизнинг янги қиёфасини яратишга қаратилган бир қатор лойиҳаларнинг ўзи кифоя қилса керак. Чунончи, Ислон цивилизацияси маркази, Адиблар хиббони, Ғалаба боғи, Тошкент ер усти метроси ҳамда унинг янги йўналишлари, ҳудудларда бунёд этилаётган Президент мактаблари, йўллар, замонавий кўприклар, туризм,

Айна пайтада Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан қўллаб электрон дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, қурилиш соҳасида коррупция ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалда кенг татбиқ этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофликни таъминлаш мақсадида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими устида зарур ишларни олиб борди. Ана шу тизимнинг қулайликлари шуки, у орқали қурилишларни молиялаштиришда пудрат ташкилоти билан бюртмачи ўртасида шартнома имзолангани ва аванс маблағлари тўлангани, ойма-ой бажарилган ишларнинг ҳисоботини юритиш ҳамда бажарилган ишларга нисбатан муносиб равишда молиялаштирилгани тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг электрон базаси шакллантирилди.

Шулар сингари, объектлар қурилишида иштирок этаётган барча пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлар ҳақида маълумотларни йиғиш, бажарилган иш ҳажмлари асосида тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, улар томонидан бажарилган иш турлари бўйича маълумотлар акс эттирилди. Шунингдек, қу-



«Ўзбекфильм» киностудияси янгича қиёфада. Киностудиядаги барча павильонлар таъмирланиб, янги картиналар суратга олиш учун шароит яхшиланди. Мазкур киностудия ва ҳужжатли фильмлар студиясини замонавий техникалар билан жиҳозлаш давом этмоқда.



Пойтахтимизнинг Ёшнбод туманида инновация технопарки ташкил этилган эди. Утган қисқа вақтда бу ерда замонавий индустрия йўлга қўйилди.

ҳодим йўловчиларга хизмат кўрсатади. Ушбу йўналишда кунига 35 мингтагача одам қатнаши мумкин. Шу боис у ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам экологик жиҳатдан улкан аҳамиятга эга.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этади. Уйлаймизки, ушбу Мурожаатномада мамлакатимизнинг яқин келажакда мўлжалланган ривожланиши бўйича вазифалар, шу жумладан, қурилиш соҳасини янада ривожлантириш борасидаги келгуси режалар белгилаб берилади.

Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларидан халқимизга, уй-жойга муҳтож кишиларга, соғлиқни сақлаш тизимлари-ю корхоналарга Янги йил арафасида янги уйлارнинг калитлари топширилаётгани тўғрисида хат-хабарлар келиб турибди. Меҳнаткаш халқимизга беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг орауларни ушалишига ҳисса қўшаётган қурувчиларимизни ушбу байрам билан муборакбод этиб, жа-сорат ва шижоатлари янада жўш ураверишига тилакдошмиз.

Дилшод ЖАЛОЛОВ,
Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.



Сардоба сув омбори дамбасида юзага келган сув тошқини оқибатида зарар кўрган минглаб хонадонлар қайта қурилиб, таъмирланди ва ўзгача кўркак эга кўп қаватли уй-жойлар қад ростлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги «2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган 2021 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий параметрлари ва 2021-2023 йиллар учун мақсадли мўлжалларига кўра:

- ➔ **22** та боғча (жами **2 970** ўринга эга),
- 31** та умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар (жами 13 934 ўқув ўрнига эга),
- 16** та ОТМ (жами 9 300 ўқув ўрнига эга) янги қурилади;
- ➔ жисмоний тарбия ва спорт объектиларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш бўйича жами **55** та лойиҳа (шундан 23 таси янги қурилиш) амалга оширилади;
- ➔ **11** та маданият ва санъат объекти янгидан қурилиб, 7 таси реконструкция қилинади;
- ➔ соғлиқни сақлаш объектиларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича жами **131** та лойиҳа (шундан 24 таси янги қурилиш) амалга оширилади;
- ➔ Шунингдек, илм-фан ва инновацион объектиларни ривожлантириш бўйича **14** та лойиҳа амалга оширилади.
- ➔ Хусусан, 2021-2022 йилларда Тошкент шаҳрида Халқаро молекуляр алергология марказини қуриш назарда тутилган.
- ➔ Бундан ташқари, темир йўл ва метрополитен йўлини ривожлантириш чоралари ҳам кўрилади.

Буюк Ипак йўлидаги зиёратбоп масканлар

Ўзбекистон азалдан қўллаб тарихий-меъморий ёдгорликлари билан дунё диққатини ўзига мафтун этиб келади. Масалан, Самарқанд «Буюк Ипак йўлининг юраги» деб ном олган. Бухоронинг тенги йўқ марваридларидан саналган Исмоил Сомоний мақбараси, Бухоро ҳукмдорининг мустаҳкам қароргоҳи Арк, Минораи Калон, жонли лабиринт каби қўллаб масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар ҳамisha дунё аҳли эътиборида.

Кейинги йилларда мамлакатимизда туризм иқтисодийнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида ривожланмоқда. Қатор Фармон ва қарорлар асосида соҳадаги шароитлар кенгайтириляпти. Хусусан, фуқароларидан юртимизга виза талаб этилмайдиган мамлакатлар сони 9 тадан 86 тага етказилди. 53 та давлат учун «электрон виза» тизими жорий этилди. Субъектлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга субсидия ва сусдалар берилди. Бу маълумотлар шу йилнинг 9 декабрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси йилдаги вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилди, соҳа салоҳиятини тиклаш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирлари муҳофазат қилинди.

Маълумотларга кўра, мамлакатимиз сайёҳлик объектларига келгуси йилда 1,7 миллион хорижий, 7,5 миллион маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш мақсад қилинган. Бу борада энг катта манба, аввало, зиёрат туризмидир. Юртимизда ислом динига оид қўллаб зиёратгоҳлар, яхудилик, буддавийлик ёдгорликлари бор. Бу имкониятдан фойдаланиб, 700 минг зиёратчини жалб қилиш ва 130 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш мумкин. Шу боис Давлатимиз раҳбари келгуси йилдан Европа мамлакатлари, Малайзия, Индонезия, Покистон, Таиланд, Япония каби давлатлар билан авиакатновларни босқичма-босқич тиклаш, янги рейсларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берди. Миллий авиакомпаниямизда чипталар нархи баланглиги танқид қилиниб, уни арзонлаштириш вазифаси қўй-

илди. Шунингдек, зиёрат туризмда тарғибот ва илмий ёндашув етишмаётгани, Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчихоналари билан бирга бу борадаги ишларни кенгайтириш мумкинлиги қайд этилди.

– Видеоселекторда туризм – иқтисодий тизимнинг муҳим бўлини сифатида ривожлантирилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди, – дейди Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер масалалари бўйича қўмитаси аъзоси Абира Хусайинова. – Соҳани тараққий эттириш, айниқса, биз бухороликлар учун муҳим. Чунки Бухорои Шарифни кўриш истагида бўлганлар дунёда ҳам, мамлакатимизда ҳам жуда кўп.

Республикаимиз ҳудудларида ҳали етарлича ўрганилмаган, сайёҳлар жалб этилмаган қадамжолар кўп. Масалан, Буюк олим Абу Мансур Мотуридидий мақбараси ва унинг яқинида дафн этилган 8 буюк уламо қадамжосини дунёда 170 миллиондан зиёд издоши бўлган мотуридидий таълимнинг зиёрат марказига айлантириш мумкин. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» номили ички туризм дастурининг ишчи давом эттирилиши ҳам қўллаб-қувватланадиган бўлади. Шунингдек, келгуси йилда номасумий саёҳатчиликни жалб қилиш ва 130 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш мумкин. Шу боис Давлатимиз раҳбари келгуси йилдан Европа мамлакатлари, Малайзия, Индонезия, Покистон, Таиланд, Япония каби давлатлар билан авиакатновларни босқичма-босқич тиклаш, янги рейсларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берди. Миллий авиакомпаниямизда чипталар нархи баланглиги танқид қилиниб, уни арзонлаштириш вазифаси қўй-

илди. Шунингдек, зиёрат туризмда тарғибот ва илмий ёндашув етишмаётгани, Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчихоналари билан бирга бу борадаги ишларни кенгайтириш мумкинлиги қайд этилди.



ва дам олиш масканлари қурилишлари эса йирик лойиҳалар ижроси десақ, муболага бўлмайди.

Зиёрат туризмни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўйиш мақсадида Сирдарё вилоятида ҳам манзилли ишлар амалга оширилляпти. Вилоят ҳокими Гофуржон Мирзаевнинг таъкидлашича, масжидлар ва йўл бўйларида Самарқанд, Бухоро ҳамда бошқа йўналишлар бўйича ҳаракатланадиган сайёҳларни жалб этиш имкониятлари мавжуд. Зиёрат туризмни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилган катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, виллоят халқаро йўлда жойлашгани сабабли автотранспорт воситалари ушбу ҳудуддан ҳаракатланади. Ҳайдовчиларнинг ҳам саломатлиги, дам олишлари учун шарт-шароитлар яратилиши борасида янги лойиҳалар амалга оширилляпти.

Таъкидлаш жоизки, видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижроси Ипак йўлининг тарихий-муҳандислик мероси ва инсоний қадриятлари билан сайёҳларни ҳайратга солувчи мамлакатимизга дунёнинг барча бурчакларидан келувчиларни янада кўпроқ жалб этиш имкониятини оширади.

Наргиза МИРҲУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori»
мухбири.

Янги йил байрами арафасида Фарғона туманида «Баҳодир Лоғон текстил» Ўзбекистон-Таиланд қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

Синовларда тобландик

Ўтиб бораётган кунлар барчамизни янги йил сари тобора яқинлаштирмоқда. Йил сарҳисобида ортага назар соларкансиз, яқунланаётган 2020 йил чинакамига синовларга бой бўлганини англайди, киши.

Коронавирус пандемиясининг юртимизга кириб келган илк ойларида, карантин шароити жорий қилинган бир пайтда, аниқроғи, 2020 йилнинг 27-29 апрель кунлари Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларида содир бўлган кучли довул таъсирида аҳолининг уй-жойлари ва ижтимоий соҳа объектлари биноларининг томқоплама конструкцияларига жиддий зиён етди. Талафот оқибатларини бартараф этиш бўйича тизилган Республика ишчи комиссияси таркибиде Қурилиш вазирлиги томонидан катта ҳажмда ишлар олиб борилди.

Албатта, бунда талафот оқибатларини аниқлаш, ишларни ташкил қилиш, қурилиш-тиклаш ишларини шахарсозлик меъёри талаб даражасига етказиш, ишларни пандемия шароитида сифатли ва тез амалга оширишда Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Кейинчалик, синовлар Сирдарё вилоятига кўчди. Сирдарё вилоятининг Сардоба тумани «Юртдош» МФЙ ҳудудиде сув тошқини оқибатида юзага келган талафотларни бартараф қилишда ҳам қурилиш-тиклаш ишларига Бухоро вилоятининг салоҳияти, етарли малака ва тажрибага эга бўлган, жами 33 та қурилиш ташкилотларининг 500 нафардан зиёд қурувчи-мутахассислари сафарбар қилинди. Қурилиш-тиклаш ишлари Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Назарулло Ҳамдамов томонидан тасдиқланган ишлаб чиқариш жадвали асосида ташкил қилинди. Бажарилган қурилиш ишларининг сифати Қурилиш бош бошқармаси, «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясининг техник назорати, лойиҳалаш ташкилотининг муаллифлик назорати ва Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясининг мутахассислари томонидан доимий назоратга олинди ва уй-жойлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши таъминланди. Бухоролик қурувчи-мутахассисларнинг бу синовларда тажрибалари янада бойиди.

Кириб келаётган 2021 йилда ҳам бухоролик қурувчилар қатори Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси мутахассислари марнани юқори белгилашган. Янги йилда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги «Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4464-сонли, 2020 йил 5 февралдаги «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишнинг назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-4586-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли, 2020 йил 20 августдаги «Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида»ги 496-сонли қарорлариде келтирилган вазифаларни, қабул қилинган ҳуқуқат қарорлари ижросини сўзсиз таъминлаш – бош мақсадимиз ҳисобланади.

2021 йил 1 январдан «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида реал вақт режимида ишлаши белгиланган. Бугунги кунда Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан «Қурилишда сифат назорати» ахборот тизимининг қўйи бўғинида ишларни ташкил қилиш учун инспекция томонидан «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг регламенти ишлаб чиқилиб, тизим ҳақида ва ундан қўлланаётган натижалар, функциялари, инспектор назорати, қурилиш иштирокчилари, тизимнинг самарадорлиги ва электрон базани шакллантириш бўйича буюртмачи хизматлари, лойиҳалаш ва қурилиш-пудрат ташкилотлари билан амалий ўқув-семинарлар ташкил қилиниб, батафсил тушунтиришлар берилди. Бунинг учун инспекцияда видеоконференция алоқа тизими жорий этилиб, PKLN pro Space K86 дюмли интерактив панель, камера Logitec PTZ Pro 2, smintech 2040 1x. Микрофон Bosch 1x, 18 донна планшет SAMSUNG TAB 10.1 харди қилиб ўрнатилди. «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими виллоятда дастлаб тажриба-синов тариқасида тўлиқ ишга туширилди. Инспекцияда маълумот базаси шакллантирилиб, тизимга инспекциядан рўйхатдан ўтган 1093 та қурилиш объектлари киритилиб рақамлаштирилди. Тизим орқали «Қурилишда сифат бўлими» инспекторлари томонидан 321 та ёзма кўрсатмалар берилди. Ҳозирда уларнинг 50 таси «Қурилишда сифат назорати» қўйи тизими иштирокчилари томонидан бажарилиб, назоратдан олинди.

Инспекторлар томонидан «Шаффоф қурилиш» тизимида сифатли назорат жараёнларини амалга оширишда 3 та «NEXIA-3», 1 та «Кобальт» ва 1 та «Нива» русумли хизмат автомашиналарининг сон ҳолатдалиги алоҳида аҳамиятга эга. «Газель» русумли автомашинада кўча қурилиш-синов лабораторияси ташкил қилинди. Олиб борилаётган бу каби ислохотлар натижасида қурилишда сифат назорати охишига ишончимиз комил.

Рамазон НАРЗИЕВ,
Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида
ҳудудий назорат инспекцияси бошлиги.

QISHLOQQURILISH BANK

QUANT
BANK QO'LINGIZDA BO'LADI!

YANGI – 2021-YIL MUBORAK BO'LSIN!



Озод юртга замонавий бинолар ярашади

Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги Гулистон йўлдош шаҳарчасида 17 млрд сўм қийматга эга бўлган 5 та 4 қаватли, 2 ва 3 хонали уй-жойлар қурилиш жадаллик билан бормоқда.



Ҳозирги кунда шаҳарчада 5 та пудрат ташкилотлари кўп қаватли уйлар қурилишини яқунлаб, пардозлаш ишларини бажаришляпти. Бу уйлар Янги йилда фуқароларга топширилади. «Жасур Имон Файз» МЧЖ томонидан эса 300 м² резервуар ҳам қуриб битказилмоқда.

Йўлдош шаҳарча ҳудудиде Фарғона вилояти ҳокимининг ташаббуси ҳамда фуқаролардан келиб тушган мурожаатларга асосан хусусий пудрат ташкилотлар томонидан 21 та кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун виллоятдаги 12 та қурилиш корхонасига 18 та кўп қаватли уйлар қуриш учун ер майдонлари ажратиб берилган. Айни кунларда «Анас буилдинг», «Фарғона тараққиёт қурилиш» ва Олтиариқ «Монтажспецстройсервис» ташкилотларининг қўли гул қурувчилари 4 та бинода ишларни жадаллик билан амалга оширмоқда.

– Кўп қаватли уйлар туман марказидан анча олисда – дашт ҳудудиде жойлашган, – деди туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникация ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Акрамхон Авлиёхонов. – Массивда аҳоли учун мўлжалланган, барча қўлайликларга эга бўлган 5 та замонавий уйлар «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясининг инвестиция маблағлари ҳисобига қуриб битказилляпти. 7,5 млрд сўмлик ичимлик суви ва канализация тармоқларини тортиш масаласи ҳам қисқа вақт ичида ижобий ҳал этилди. Бу ишга виллоят ҳокимлиги ва виллоят қурилиш бош бошқармаси бевосита амалий ёрдам берди.

Қурилиш жараёнлари авжи қизиган паллада туман Халқ таълими бўлими тақлиф билан чқди ва у муҳофазат қилиниб, маъқулланди. Яъни, биринчи қуриб битказиладиган уй қўитувчиларга берилди ва у «Ўқитувчилар уй» деб номланади.

Фурсатдан фойдаланиб Акрамхон Авлиёхоновга яна бир қатор саволлар билан мурожаат қилдик. – Кўп қаватли уйлар қуриш учун нимага айнан дашт – туман марказидан узоқ ҳудуд танланган?

– Бунинг сабаби шуки, туман марказида аҳоли зич жойлашган. Янги хонадонлар, кўп қаватли уйлар қурилиши натижасида электр энергияси, газ таъминоти, тоза ичимлик суви масаласида муаммоларга дуч келинляпти. Тасаввур қилинг, марказга кўп қаватли уй қурилгани сайин газ табиий равишда камайиб бораверади. Чунки газ битта қурувчи боради-да. Йўлдош шаҳарчани танлашда масаланинг ана шу томонларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йўлдош шаҳарча 50 та кўп қаватли уйлар билан тўхтаб қолмайди. Шаҳарчада 1,5 мингта оила уй билан таъминланади. Келгусида кўп қаватли уйларга туташ «Бағдод дон маҳсулотлари комбинати» ҳудудиде анжуманлар саройи қуриш ҳам режалаштирилляпти. Ана шундан кейин Гулистон йўлдош шаҳарчаси ўз-ўзидан шаҳар мақомини олади.

– Шаҳарча марказдан анчайин узоқ. Иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг тирикчилиги нима бўлади?

– Туман ҳокимлиги кўп қаватли уйлар қуриш учун жой танлаганда бу масалага ҳам эътибор қаратган. Тадбиркорлар билан қилган мулоқотларимиз самарасини берди. Яъни, туманда фаолият юритиб келаётган «Ихтиёр» корпорацияси ёрдамга келди. Корпорация банк кредитлари ҳисобига 5 сотихлик иссиқхоналар қуряпти. Ким кўп қаватли уйда яшаса, томорқа сифатида ҳар бири 5 сотихдан бўлган замонавий иссиқхона олиши мумкин. Қўлай томони умумий қиймати 25 млн сўм бўлган иссиқхона учун дастлабки тўлов йўқ. Фуқаро корпорация билан кредитни тўлаш юзасидан келишади. Агар фуқарода иссиқхонада бирор-бир экин экишда муаммо бўлса, корпорация ёрдамга келади.

Суратда: янги массивда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан намуна.

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.
Муаллиф олган сурат.

«Toshuyjoyliti» АЖ
жамоаси

азиз ватангошларимизни,
бунёдкорлик соҳасига ҳормай-толмай
меҳнат қилаётган юртдошларимизни
эшик қоқиб турган

2021 йил
билан чин гулган
муборакбод этагу.

Янги йилга барча эзгу ниятларингиз
амалга ошишига тилакдошмиз!

«TASHGIPROGOR» АЖ
жамоаси

яқинлашиб келаётган
Янги – 2021 йил
билан барча ватандошларимизни,
қурувчи ва меҳморларни
табриклайди.

Мана шундай шоду хуррам
лаҳзалар, кўтаринки кайфият
замини ҳамроҳингиз бўлсин!
Янги йил юртдошларимизга
омадли ва қувончли келсин!

Йирик қўшма корхона ишга тушди

Янги йил байрами арафасида Фарғона туманида «Баҳодир Лоғон текстил» Ўзбекистон-Таиланд қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

Фарғона вилоятида бу йилги пандемия шароитида машаққатли ва оғир бўлса-да, барча соҳаларда белги-ланган режа ва мақсадларга эришилди. Хусусан, 400 миллион доллардан ортиқ хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилаётгани барқарор ўсишдан далолатдир.

Фарғона тумани бир пайтлар саноати ривожланмаган ҳудуд ҳисобланган бўлса, бугунга келиб ўнлаб корхоналар ишга тушди. Жорий йилда очилган «Экокерама» масъулияти чекланган жамиятининг ўзига 15 миллион доллар инвестиция киритилди. Туманининг чекка ҳудуди Лоғон қишлоғида фойдаланишга топширилган қўшма корхона истиқболли лойиҳалардан биридир.

Қўшма корхонанинг очилиш маросимида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров иштирок этиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар энг чекка ҳудудларда ҳам саноат салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг вилоят раҳбари янги корхонанинг имкониятлари ва ишчи-хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. 62 миллион доллар сармоя киритилган қўшма корхонада ип-калава ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулотлар Хитой, Туркия, Россия каби хорижий давлатларга экспорт қилинади.

Корхона бир йилда 18 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш имкониятига эга. Пахта хомашёси кластер таркибидagi Фарғона, Қува, Ёзёвон туманларидаги фермер хўжалиқларидан келтирилади. Асосийси, бу ерда 450 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, вилоят ҳокими ҳудуддаги «Yodiy shoes» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона фаолиятини кўздан кечирди.

Қўшма корхонада эркак ва аёллар, болалар учун бежирим ва сифатли пойабзаллар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлар, асосан, маҳаллий хомашёдан тайёрланади. Бу ерда 150 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган. Бир кунда 2,5 минг жуфт пойабзал истеъмол бозорига чиқарилади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

«QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олий суд ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлимига тегишли бўлган Нукус шаҳри, И. Каримов кўчаси, рақамсиз уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. 2010 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 920 ААА бўлган, қоникарсиз ҳолатдаги таъмирталаб «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 25 218 000 сўм.**

2. 2009 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 797 ААА бўлган, қоникарсиз ҳолатдаги таъмирталаб «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 24 382 000 сўм.**

3. 2010 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 737 ААА бўлган, қоникарсиз ҳолатдаги таъмирталаб «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 28 302 000 сўм.**

4. 2009 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 656 ААА бўлган, қоникарсиз ҳолатдаги таъмирталаб «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 23 875 000 сўм.**

5. 2009 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 151 ВАА бўлган, қоникарсиз ҳолатдаги таъмирталаб «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 23 312 000 сўм.**

6. 2010 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 676 ААА бўлган, қоникарсиз ҳолатдаги таъмирталаб «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 22 541 000 сўм.**

7. 2009 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 275 ААА бўлган, қоникарсиз ҳолатдаги таъмирталаб «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 25 195 000 сўм.**

8. 2009 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 275 ААА бўлган, қоникарсиз ҳолатдаги таъмирталаб «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 25 195 000 сўм.**

9. 2009 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 926 ТАА бўлган, қоникарсиз ҳолатдаги таъмирталаб «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 46 203 000 сўм.**

10. 2009 йили ишлаб чиқарилган, қоникарсиз ҳолатдаги таъмирталаб «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 42 270 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2021 йил 28 январь куни, соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй манзилида жойлашган «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ биносида ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Қайд этилган автотранспорт воситалари 2021 йил 28 январь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2021 йил 8 февраль куни, соат 11.00 дан бошлаб кўрсатилган манзилда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан шанба ва якшанбадан ташқари иш кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истигадиги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини савдо ташкилотчиси «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 4201 6001 ОАТ «Турон банк» Нукус филиали МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.

Тел.: 61-222-84-44.
Расмий сайтими: www.rmm.uz
9506 рақамли гувоҳнома.

«Regionlararo mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Хумсон савдо савдосига» ДУКнинг 2020 йил 28 декабрдаги 147-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Хумсон» МФЙ, «Хумсон» санаторийси ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «Газ-5204» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 30 000 000 сўм.**

2. 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «УАЗ-469В» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 15 000 000 сўм.**

3. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 20 000 000 сўм.**

Аукцион савдолари 2021 йил 12 январь куни, соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2021 йил 11 январь куни, соат 16.00 гача.

Юқоридаги мулклар 12 январь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 880847 рақамли гувоҳнома.

ТУЗАТИШ

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 1 декабрдаги 94-95 (443-444)-сонида «Насаф риэлт сервис» МЧЖ томонидан берилган хабарноманинг такрорий аукцион савдолари «2020 йил 25 ва 30 декабрь» сўзлари «2021 йил 11, 20, ва 29 январь» деб ўқилишини маълум қиламиз.

«O'ZBEKISTON BUNYODKORI»
газетасига
2021 йил учун обуна бўлинг!

Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13. Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15.
Эл.почта: uzbyunyodkori@mail.ru, uzbyunyodkor@umail.uz

Обуна индекси **466**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

барча ватандошларимизни,
юртимиз меҳмонларини ҳамда
мамлакатимиздаги
кенг кўламли бунёдкорлик
ишларида муносиб ҳисса қўшаётган
қурилиш соҳаси ходимларини

Янги – 2021 йил
билан самимий табриклайди.

Жонажон Ватанимиз
равнақи ва тараққиёти
йўлидаги машаққатли ҳамда
масъулиятли вазифаларни
амалга оширишингизда
сизларга мустаҳкам соғлиқ,
куч-қувват, оилангизга
тотувлик, файзу барака
тилаймиз.

Янги йил юртимиз равнақи,
келажак авлодлар порлоқ
иқболи йўлида
амалга оширадиган
ишларимиз учун
ҳар тарафлама
омадли бўлсин!





SANOAT QURILISH BANK

Хурматли ҳамюртлар!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жамоаси

Сизларни кириб келаётган

Янги йил билан самимий муборакбод этади.

Ушбу шукуҳли кунларда барчангизга сиҳат-саломатлик,

бахту саодат ва фаровонлик тилаймиз.

Байрамона кайфият ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.

**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ
томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати:
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Тулганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрулов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Бош муҳаррир ўринбосари
Саҳифаловчи
Мусаххих

Дилшод Жалолов
Абдусами Ҳақбердиев
Акмал Махкамов
Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят муҳбирлари телефон рақамлари:
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича: 97-459-74-85.
Андижон вилояти бўйича: 93-410-15-18.
Бўхоро вилояти бўйича: 99-705-50-15.
Жиззах вилояти бўйича: 99-525-30-05.
Навоий вилояти бўйича: 99-731-17-40.
Самарқанд вилояти бўйича: 90-553-02-34.
Сурхондарё вилояти бўйича: 95-560-30-45.
Фарғона вилояти бўйича: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти бўйича: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Бўйртма – Г-1253.
2089 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 6 табоқ,
офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нарҳда.
ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлтамалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли
чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎЗА яқучи – 2155. Топширилди – 02.05.

Янги бинолар фойдаланишга топширилди

Ўтаётган йилнинг ўзига хос қийинчиликлари, пандемия чекловларига қарамай, қурилиш соҳасида иш тўхтаб қолмади, аксинча, янги қуриб битказилган биноларнинг йил якуни билан фойдаланишга топширилгани кўплаб хонадонлар, давлат корхоналарида қувончли онларни тақдир этди.

Яқинда Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши сессиясида вилоят ҳокими Қ. Турсуновнинг 2020 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2021 йилги режалар ва устувор вазифалар юзасидан мурожаатномасида, вилоятда пандемия даврида 745 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилганини таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, жорий йил қурилиш соҳаси ходимлари олдида ўзига хос синов даври бўлиш билан бирга, қайноқ меҳнат жараёнларида тобланиш сабақларини ҳам берди. Муҳими, натижалар кутилганидек ўзини оқлай олди.

2020 йилда Давлат дастурига мувофиқ Навоий вилоятининг қишлоқ массивларида ва шаҳарларида жами 726 та уй-жой қурилиши бўйича ишлар олиб борилди. Жумладан, қишлоқ жойларда кўп квартиралли 300 хонадонли уй-жойлар қурилиши белгиланган бўлиб шундан ижтимоий шароити оғир бўлган оилалар учун 10 та 4 қаватли жами 240 хонадонли, ҳарбийлар ва Миллий гвардия хизматчилари, ички ишлар ходимлари учун 2 та 5 қаватли жами 60 хонадонли уйлар қурилиши белгиланган

эди. Бугунги кунда ушбу қурилишлар учун ажратилган 41,6 млрд сўм маблағ тўлиқ ўзлаштирилди ва 34 млрд сўм маблағ молиялаштириб берилди. Жорий йил учун белгиланган уй-жой қурилиши бўйича ишлар ниҳоясига етказилди.

Навоий вилоятининг маркази Навоий шаҳри доимий бунёдкорлик майдони саналади, кун сайин чирой очиб, янги архитектура намуналари асосида қад ростлаётган замонавий иншоотлар шаҳар чиройига чирой қўшиб келмоқда. Табиийки, яшаш ва ишлаш шароитларининг юқорилиги боис, кишилар доим вилоят марказларига кўчиб келишга интилади ва бунинг натижасида шаҳар ҳудудини кенгайтириб, кўшимча ер майдонлари ўзлаштиришга эҳтиёж ортиб боради. 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Навоий шаҳрининг умумий аҳолиси 144,2 минг кишини ташкил этганди. Йил сайин ошиб бораётган бу кўрсаткич, аҳоли турар жойларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганидан дарақдир. 2020 йилда Давлат дастурига мувофиқ Навоий шаҳрида 5 та 7 қаватли жами 210 хонадонли уйлар қурилиши кўзда тутилган эди.



Бугунги кунда амалдаги тартиб доирасида 5 та 7 қаватли жами 210 хонадонли уй-жойлар қурилиши бўйича ишлар ниҳоясига етказилди. Албатта, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришда тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси бор.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, «YANGI HAYOT» компаниясига қарашли «JOZIBALI QURILISH MONTAJ» масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида Навоий шаҳрининг 1-кичик тумани, Шабода кўчасида «QIZILQUM» кўп қаватли турар жой комплекси қурилиб фойдаланишга топширилди. Ушбу бино 7 қаватли бўлиб, 168 хонадондан иборат. Бу дегани, 168 та оилаларда уй тўйлари бўлиб ўтди, аҳолининг ўз уйига эга бўлиши, ҳаётдан, жамиятдан мамнунлик ҳисларини пайдо қилади. Ахир, фаровонлик бўлган ердагина кишилар қалбида эртанги кунга ишонч ортади, ўтаётган кундан рози бўлади.

Ана шундай имконият минглаб кишиларга тақдим этилди. Мустақиллик байрами арафасида шаҳарнинг 9-кичик тумани И. Каримов кўчасида «YANGI HAYOT» кўп қаватли турар жой комплекси қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, 2020 йил якунида шаҳарнинг Л. Толстой кўчасида «BAHOR» кўп қаватли турар жой комплекси ўз эгаларига тақдим этилди. Бино 8 қаватли 164-хонадондан иборат. Ушбу биноларнинг барчасида болалар учун уйин ва аҳоли учун

дам олиш майдонлари, фавворалар ва шахсий автомобиллар учун тураргоҳлар қурилгани, дукон, тиббиёт хизмати ва бошқа шарт-шароитларга эга экани билан аҳолига манзур бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи қаноатлантирилмоқда.

Янги йил байрами арафасида ташкилот ва корхоналарнинг янги бинолари ишга туширилаётгани кўшалок байрамга айланмоқда. Қизилтепа марказида туман МИБ бўлими учун бунёд этилган бинонинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Замонавий бино барча қулайликларга эга. Ходимларнинг касбий ва билим салоҳиятини ошириш мақсадида ўқув хоналари ҳам ташкил этилиб жиҳозланган. Шунингдек, Нуротадаги «Чашма» тарихий меъморий мажмуаси атрофида тумандаги хунармандларнинг доимий фаолият олиб бориши учун «Хунармандчилик маркази» ташкил этилди. Марказнинг очилиш маросимида мутасадди раҳбарлар, ҳудуд фаоллари, нурунийлар иштирок этишди. Қурилишига 2,2 млрд сўм маблағ сарфланган марказ 33 нафар хунармандга мўлжалланган бўлиб, ўқув, тош ўймакорлиги, заргарлик, кулолчилик, каштачилик, кутубхона ҳамда савдо растасидан иборат. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳилола ИСМАТОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.



«O'ZBEKISTON BUNYODKORI»

газетаси жамоаси
2020 йил давомига самарали
ҳамкорлик қилган барча ижодкорлар,
ташкилот ва корхоналарга алоҳида
миннатдорлик билдиради ва
кириб келаётган

Янги – 2021 йил

билан самимий қутлайди!

Янги йил барчангиз учун омагли
келишини, оилангизда тотувлик
бардавом бўлиб, амалга ошираётган
эзгу ишларингизда ҳамиша
муваффақиятга эришингизни
ҳамда ўзаро манфаатли
ҳамкорлигимиз янада ривож
топишини тилаймиз.



Газетанинг келгуси сони 2021 йил 8 январь куни чиқади.

ИПОТЕКА BANK

Янги йилнингиз билан!

“Ипотека-банк” АТИБ жамоаси номидан
барча юртдошларимизни Янги – 2021 йил билан
самимий табриклаймиз.

Янги йил юртимизга тўқинлик, хонадонларимизга
қут-барака олиб келсин!

Оилавий тинчлик-хотиржамлик, бахтли, саодатли
кунлар ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

2021